Кириб келаётган Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 29-dekabr, №52 (781)


## Комиссия йиғилиши

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда ногирон болаларни соғломлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишлар, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда "Мурувват" уйларида ногирон болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини таъминлашга оид қонунлар ижроси ва бу борада Бухоро вилоятида амалга оширилган ишлар аҳволи муҳокама қилинди.

Мажлисда таъкидланганидек, мамлакатимизда ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида мақсадли дастурлар қабул қилиниб, изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Ногирон болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кафолатли таъминлашда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"-ги, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Йиғилишда ногирон болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси доирасидаги тадбирлар кўлами йил сайин кенгайиб бораётганлиги таъкидланиб, жорий йилнинг ўтган даврида ногирон болаларнинг 1428 нафари реабилитация қилинганлиги, 1265 нафари протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация-техник воситалари билан таъминланганлиги, 47379 нафарининг соғломлаштирилганлиги қайд этилди.

Жумладан, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, ногирон болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига Бухоро вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қабул қилинган ҳудудий дастурлар асосида кўплаб ногирон болалар тарбияланаётган оилаларга моддий ёрдам берилган. Маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари эвазига тиббий-ижтимоий муассасалар биноларини таъмирлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилган.

Амалга оширилган ишларга қарамасдан, ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, ногиронликни белгилаш ва ижтимоий тўловларни амалга ошириш, протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация-техник воситаларини етказиб бериш, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ва "Мурувват" уйларида ногирон болаларга таълим-тарбия бериш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид қилинди.

Шунингдек, мутасадди идоралар томонидан ногирон болаларни соғломлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини таъминлашда йўл қўйилаётган қонунбузилиши ҳолатларининг сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, ушбу масалада масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, комиссия аъзоси Актам Ҳайитовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия**

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларaро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

*Йиғилишда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ҳамда унинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, Бош прокуратуранинг тегишли тармоқ бошлиқлари ҳамда ходимлари, Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳокимларининг ўринбосарлари, прокурорлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари иштирок этди.*

## Фаолият самарадорлиги йўлида

Мазкур йиғилишда Андижон ва Бухоро вилоятларида одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунчилик ижроси, шунингдек, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги кўмагида ёки унинг рухсати билан чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси аҳволи юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари муҳокама этилди.

Қайд этилишича, одам савдосига қарши курашиш бўйича Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссиялари, мазкур вилоятлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат бошқаруви идоралари, жамоатчилик ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан одам савдосига қарши курашишга қаратилган қонунчилик ижросини таъминлаш чоралари кўриб борилган. Жумладан, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, унинг оғир оқибатларидан аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида ҳудудий идоралараро комиссияларнинг ташаббуси билан аҳоли ўртасида кенг тарғибот тадбирлари ўтказиб келинган.

Бу мақсадда чегара ҳудудларда ва жамоат жойларида одам савдоси жиноятларидан огоҳ этувчи баннер ва плакатлар ўрнатишга, буклетлар тарқатишга алоҳида эътибор берилган.

Амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериб, сўнгги йилларда ушбу ҳудудларда одам савдоси жиноятларининг камайишига эришилган.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги кўмагида ёки унинг рухсати билан чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган чоралар кўрилган.

Шу билан бирга, комиссия йиғилишида Андижон ва Бухоро вилоятидаги айрим туман ва шаҳар комиссиялари фаолияти етарли самара бермаганлиги, одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилганлиги танқид остига олинди.

Тадбирда жойларда ҳудудий идоралараро комиссиялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат бошқаруви идоралари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши курашишни янада жадаллаштиришлари, ўзаро ҳамкорликни кучайтиришлари лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилиш якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарор қабул қилиниб, ижро учун тегишли идораларга юборилди.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси**

## Оила — жамият таянчи

*Мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йигирма йили яратиш ва бунёдкорлик руҳида кечди. Бу даврда мураккаб синовлардан муваффақиятли ўтиб, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимиз пойдеворини қуриш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш, муътабар заминимизда тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оиланинг турмуш даражасини яхшилаш борасида қўлга киритилган ютуқлар бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.*

**Норбўта ГОЗИЕВ,**
«Ниқуқ»

Бугун қайси соҳани олмайлик, саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими — нимаики иш қилсак, уларнинг ҳаммаси инсон учун, шу юртда яшаётган ватандошларимиз учун амалга оширилаяпти. Қашқадарё вилоятида Талимаржон иссиқлик электр станциясининг биринчи навбати, "Шўртангазкимё" мажмуаси, Кўкдумалоқгаз, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли, ёқилғи-энергетика соҳасида янги қувватлар, енгил саноат корхоналарининг ишга туширилиши тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Мамлакатимизда яратиб берилаётган имкониятлар туфайли кейинги йигирма йилда вилоятда 315 та қишлоқ газлаштирилди, 800 дан ортиқ қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланди. Буларнинг ҳаммаси инсон учун, унинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун қилинаётган ҳаракатлар самарасидир.

Конституция куни муносабати билан ўтказиладиган байрам тантаналарида муҳтарам Президентимиз томонидан келаётган йилга ном бериш анъанага айланиб қолди. "Сиҳат-саломатлик йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ҳомийлар ва шифокорлар йили", "Ёшлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили", "Баркамол авлод йили". Йилларнинг номларига эътибор берсангиз уларнинг ҳаммаси ҳам ижтимоий аҳамиятга молик ва аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириб боришга қаратилган. Энг муҳими, эълон қилинган ҳар бир йилда Давлат дастурлари қабул қилиниб, кенг миқёсдаги амалий ишлар бажарилган.

Ўтган йилларнинг мантиқий давоми сифатида 2011 йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинган эди. Бунинг боиси шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашнинг, турмуш фаровонлиги юксалишининг, мамлакатда ўрта мулкдорлар синфи шаклланишининг муҳим омилидир. Биргина вилоятимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг бажарилишига 439,1 миллиард сўм сарфланди, кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 61,2 фоизни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 193,3 миллиард сўмлик кредит ажратилди, 101 та лойиҳа бўйича 30 миллион АҚШ доллари миқдоридаги минитехнологиялар келтирилди. Шундан 5 таси (4,8 миллион долларлик) инновацион технологиялардир.

Юқорида қайд этилган анъана давом эттирилиб, Президентимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Президентимиз кириб келаётган йилга шундай ном бериш ҳар томонлама чуқур ҳаётий асосга эга эканлиги ҳақида тўхталиб, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам эканлигини, чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ, деди. Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ҳам "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", дея таъкидлаган.

*/Давоми 3-бетда/*

# Одам савдоси муаммоси муҳокамаси

*Самарқанд вилоятида Республика Бош прокуратураси ташаббуси билан вилоят прокуратураси ҳамкорлигида одам савдосига қарши курашиш бўйича икки кунлик кенг қамровли тадбирлар ўтказилди. Тадбир доирасида "Одам савдосига қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги" мавзусида ҳудудий идоралараро комиссиялар масъул котиблари иштирокида минтақавий ўқув машғулоти, "Бўш иш ўринлари ярмаркаси", семинарлар ўтказилди. Дастлаб Самарқанд вилоят ҳокимлиги мажлислар залида идоралараро комиссиянинг ҳудудий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими, сенатор З.Мирзаев жонли мулоқот тарзида олиб борди.*

**Рустам ИСЛОМОВ,**
Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
**Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,**
«Huquq»

Унда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялари, таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, шаҳар ва туман прокурорлари, ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, ҳудудий идоралараро комиссиялар масъул котиблари, мутасадди ташкилот, муассаса, идоралар раҳбарлари, шунингдек, Республикаси Бош прокуратураси, Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этишди.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини Самарқанд вилоятида ўрганиш натижалари муҳокама этилди. Тобора кенгайиб бораётган, трансмиллий жиноят сифатида дунё миқёсида ривожланиб бораётган мазкур иллатга қарши курашиш масалаларининг айрим туманлардаги аҳволи, ҳудудий комиссияларнинг фаолияти талабга жавоб бермаслиги айтиб ўтилди.

— Ҳудудий комиссияларда мавжуд вазият таҳлил қилиниб, иш режа шу асосда тузилиши керак, — деди Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи Эшдавлат Жўраев. — Бироқ, айрим ҳолларда бундай йўл тутилмаётганлиги оқибатида комиссиялар фаолиятида юзакилик кузатилмоқда. Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Одам савдосига қарши курашиш масаласида йўл қўйилаётган хато-камчиликларни бартараф этиш борасида бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича мутасадди раҳбарларга тегишли вазифалар берилди.

Одам савдосига қарши курашишда фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиб қолишининг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида олиб борилаётган доимий кенг қамровли тарғибот тадбирлари муҳим ўрин тутади. Бу соҳада прокуратура, ҳокимликлар, ички ишлар, божхона ва бошқа ташкилотлар томонидан тарғибот тадбирлари ўтказилган ва ўтказиб келинмоқда.

— Бу фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг иши деб қараганлар адашади, — дейди Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ўткир Раҳматов. Бугунги йиғилишда худди шу масалага алоҳида эътибор берилди. Жойлардаги ҳокимликлар, ҳудудий комиссиялар, маҳалла раислари, мактаб, коллеж раҳбарларининг самарали фаолияти билан кимнингдир шу иллатга аралашиб қолишининг олдини олиш мумкин. Шу боис, уни келтириб чиқарувчи сабаб, шарт-шароит ва омилларни бартараф этишда кенг жамоатчилик ва давлат вакиллик органларининг куч ва имкониятларини бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тадбирлар доирасида Самарқанд шаҳридаги "Олимпия захиралари тайёрлаш маркази"да "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси" ҳам ташкил этилди.

— Бу ярмаркада 416 та корхона ва муассасалар ўзининг 2891 та бўш иш ўринлари билан қатнашди, — дейди Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ботир Тошев. — Ярмаркада 1458 нафар фуқаро муносиб иш жойларига эга бўлишди. Уларнинг 217 нафари чет элда ишлаб қайтган ва депортация қилинганлар, 412 таси олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, 117 нафари Қуролли Кучлар ва ҳарбий сафарбарлик резервига чақирилганлар, 96 нафари эса учинчи гуруҳ ногиронлари ва бошқалар. Шунингдек, ярмаркада иштирок этган 2123 нафар фуқарога Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари асосида белгилаб берилган имтиёз ва кафолатлар тўғрисида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Шундан сўнг тадбир Самарқанд шаҳар ҳокимлигида давом этди. Тадбир иштирокчилари шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Сўнгра мажлислар залида ўқув-семинар ўз ишини давом эттирди. Сўзга чиққанлар аҳолини иш билан таъминлаш мазкур иллатнинг олдини олишда самарали омил эканлигини таъкидлашди. Бу борада маҳаллаларнинг ўрни, хотин-қизлар қўмиталарининг ролини ошириш борасида қилинган ишлар хусусида фикр юритишди.

Икки кун давом этган ўқув машғулотларида одам савдосига қарши курашиш барчанинг вазифаларига кириши таъкидлаб ўтилди. Бу борада қилинажак ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар мажмуи белгилаб берилди.

# Хуфиёна савдо оқибати

**Шуҳрат ЗОКИРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Қарши шаҳар бўлими бошлиғи
**Обида ЖЎРАЕВА,**
бўлим инспектори

"Етти хазинанинг бири". Халқимиз бу иборани кам маблағ сарфлагани ҳолда кўп даромад берадиган соҳага нисбатан қўллайди. Аммо яна шуниси ҳам борки, хазина бор жойда фирибгарлар, қаллоблар, ўғрилар пайдо бўлади. Улар хазинани бойитиш эмас, балки турли йўллар билан ўмариш пайида бўладилар. Бундай кишиларнинг "тадбиркорлиги" ўзгача йўл билан, яширин тарзда амалга оширилади. Аслини олганда, бундай қилишга ҳожат ҳам йўқ. Чунки давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиб берилган. Кичик корхоналар ташкил қилиш, иш ўринларини кўпайтириш, солиқ ва тўловлар соҳасидаги енгилликлар, маҳсулотни экспорт қилиш, ички бозорни тўлдириш... Қаранг, қанчадан-қанча имкониятлар мавжуд.

Афсуски, биз юқорида айтиб ўтган тоифадаги шахслар бошқача "имконият"ларни қидирадилар. Улар ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб, охир-оқибат жиноятга қўл урадилар. Акс ҳолда Б.Қиличев билан Б.Бозоровнинг шаҳримиздаги "Аср мўъжизаси" ошхонаси олдида яширин тарзда доллар савдоси билан шуғулланганликларини қандай баҳолаш мумкин? Албатта, уларнинг ноқонуний қилмишлари тезда фош этилди. 2011 йил 20 апрел куни СВОЖЖДЛҚК Департаментининг вилоят бошқармаси ва шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Б.Қиличев фуқаро Б.Бозоровдан 100 АҚШ долларини 244 минг сўмга сотиб олаётгани аниқланди ва ундан 9756,0 минг сўм пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Кўриниб турибдики, хуфиёна савдо билан шуғулланаётган бундай шахсларда кичик корхона очиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун етарлича маблағ бор. Маблағ етмаса банкдан кредит ҳам олиш мумкин эди.

Пахтазор миттитуманида яшовчи Шерали Юсупов ҳам хуфиёна савдога қўли келишиб қолганлардан экан. Ушбу шахс Департамент ходимлари томонидан шаҳарнинг Хонобод кўчасида 50 қути "PALL MALL" (акциз маркали), 60 қути акциз маркасиз "PINE" тамаки маҳсулотларини сотиб турган пайтда қўлга олинди ва ноқонуний савдога чиқарилган 205 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Биз бозор иқтисодиёти шароитида яшаяпмиз. Дўконлар хилма-хил маҳсулотлар билан тўла. Ўзи етиштирган маҳсулотларни бозорга олиб чиққан деҳқон, чорвадор, боғбон ёки ҳунарманд маҳсулотини харидорга намойиш этади. Рекламаси ўзи билан, нархини келишиб, харид қилаверасиз. Очиқ савдо, "хуфиёна" деган сўз бу ерда бегона. Буларнинг барчаси қонун доирасида, ҳеч ким савдо аҳлига дахл қилмайди.

Аммо юқорида номлари қайд этилган шахслар ножўя хатти-ҳаракатлари билан фойда ўрнига зиён кўрмоқдалар ва бу билан ўзларига ҳам, жамиятга ҳам жиддий зарар етказмоқдалар.

***Қирқ ёшга кириб ҳам на оиласи ва на тайинли касби-кори бўлмаган, бунинг устига 6 марта судланган киши ҳақида нима дейиш мумкин? 1971 йилда Тошкент вилоятида туғилган Гайрат Жусипбаев ўзи учун худди шундай ҳаёт йўлини танлаган экан.***

# Қирққа кириб ақл кирмаган

**Расулжон БОТИР ўғли,**
Сирғали туман прокуратураси иш ўрганувчи терговчиси

Тикувчиликни ўрганиш ниятида чеварлар курсига қатнай бошлаган Татьяна, машғулотлардан сўнг уйига қайтаётганда кимдир ортидан тушганини сезди-ю, қадамини тезлатди. Бироз юргач, ортига бурилиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Енгил тортди. Аммо кўққисдан қаршисидан чиқиб қолган "нусхани" кўриб қўрқиб кетди.

— Нега қўрқасан, бу менман.

Татьяна уни таниди: бир пайтлар никоҳсиз бирга яшаган собиқ "эри" Гайрат Жусипбаев экан.

— Сенга нима керак? Мендан яна нима истайсан?

— Пул керак, — деди Гайрат одати бўйича қуруққина қилиб.

Татьяна ундан бу гапни илгари ҳам минг марта эшитган.

— Пул йўқ. Бўлсаям сенга бермайман. Етар шунча вақт пулимни шилганинг.

— Охирги марта сўраяпман, — ялингандай сўради Гайрат.

— Йўлимни тўсма, пулим йўқ дедим-ку сенга, — орқага тисарилди Татьяна.

— Алдама, сумкангдаги нима? — Гайрат унинг сумкачасига қўл чўзди.

Қиз унинг қўлларидан сумкасини ажратиб олиш учун тортқилай бошлаган эди, юзига тушган шапалоқдан гандираклаб кетди.

Сумкани қўлга киритган Гайрат уни титкилаб кўрди, пул йўқ. Фақат қўл телефони, дафтар-китоб. Телефонни олди-да, ўлжасини отиб юборди. Сўнг лўкиллаб югурганча, қочиб кетди. Йўлда телефонни бегона бир кишига арзимаган пулга сотиб юборди. Кейин ўша пулга арoқ олиб ичди.

Татьяна ИИБга ариза билан мурожаат қилди.

Гайрат Жусипбаев шундай бўлишини билиб, бир неча кун яшириниб юрди. Аммо тез орада милиция ходимлари уни топишди. У еттинчи бор суднинг қора курсисидан жой олди.

Жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг ҳукми билан талончилик жиноятини содир этган Г.Жусипбаев 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди ва у ўта хавфли рецидивист деб топилди.

Қирққа кириб ҳам ақл кирмагач, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

# Виждон амри билан...

*Ўзининг ҳам шахсий уй-жойи бўлишини ният қилган Дилноза оз-оздан бўлса-да, анчадан бери пул жамғариб келарди. "Ахир умр бўйи ижарада яшамайман-ку. Ўзингни уйинг бўлишига нима етсин. Хоҳлаган ишингни қиласан, уй эгасининг қошқовоғига қарашдан ҳам қутуласан".*

**Ҳусан СОДИРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Шайхонтоҳур туман бўлими катта суриштирувчиси

Ушундай хаёллар билан йиғиб юрган пулларини санаб кўрди. 12 миллион сўм бўлибди. Энди буларни долларга айлантириш керак. Ахир сотиб олишни мўлжаллаб юрган квартиранинг эгаси пулларни долларда олишини айтган эди-да. Нима қилса экан? "Қора бозор"дан айирбошлашга чўчиди. Бироқ қандай йўл тутишни ўйлаб ўтириб, ўзи яқинда танишган Абдувосиқ исмли йигитни эслаб қолди.

"Шошма, ўшанда Абдувосиқ доллар билан "иш" қиламан, демаганмиди? Агар янглишмаётган бўлса, унга мурожаат қилиш керак. Балки банкда танишлари бордир? Бир ойлардан бери гаплашиб юришибди. Алдамаса керак..."

Дилноза вақтни ўтказмай, Абдувосиққа қўнғироқ қилиб, йиғиб юрган пулларини банк орқали долларга алмаштиришда ёрдам беришини илтимос қилди. Ўз навбатида, Абдувосиқ Нуриддин исмли таниши билан учрашиб, "катта иш" таклиф қилишаётгани ҳақида хабар берди. Нуриддиндан розилик олгач, Дилнозага телефон қилиб, долларлар топганини маълум қилди.

Ниҳоят, эртасига икки ўртоқ Дилнозанинг ижарадаги уйига кириб боришди. Ҳар бир долларни 2400 сўмдан баҳолаб, ундан 11 млн. 760 минг сўмни санаб олиб, шунга яраша 4 минг 900 АҚШ долларини беришган ҳам эди, эшик очилиб, Департамент ходимлари кириб келишди. Шундай қилиб, Дилнозанинг виждон амрига қулоқ тутиб, соҳа ходимларига мурожаат қилиши натижасида қинғир ишнинг бошини тутган икки шоввознинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

# Оила — жамият таянчи

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Аслида Ватанимиз мустақилликка эришганидан бошлаб оиланинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш, соғлом оилани шакллантириш давлат миқёсидаги муҳим масалалардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар оила манфаатларига, жамият тараққиётига хизмат қилмоқда. Зеро, оила жамиятимизнинг асосий бўғини ҳисобланади. Никоҳ шартномаси эса оила қўрғонининг олтин калити бўлиб, эр-хотиннинг мулкий муносабатларини тартибга солувчи қонуний ҳужжатдир.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари бор. Ушбу қадриятлар оилада шаклланиб, жамиятда камол топади. Ўзбек оилаларининг айрим урф-одатлари дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаши билан бир қаторда уларнинг ўзлари ҳам бир-бирига ўхшайди. Уларнинг бахти ана шу ўхшашликда. Жамиятнинг равнақи, тараққиёти ҳам ана шу ўхшашлик туфайлидир. Бу ўхшашлик нималарда кўринади? Шарқ халқларида оиланинг ўзига хос тарбия ва маънавият мактаби қадим-қадимда яратилган. Унда умумахлоқий, умуминсоний қадриятлар ўз ифодасини топган ва асрлар давомида сайқалланиб келмоқда.

Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номуснинг кучлилиги, ёшларга ҳурмат, кексаларга иззат каби фазилатлари билан ажралиб туради. Шарқда ота оила бошлиғи, таъминотчи ва тарбиячи, она эса оиланинг кўрки, файзи ҳисобланади. Фарзандларга Яратганнинг фазлу марҳамати, неъмати деб қаралади. Уйдан чиқаётганда оиланинг катталаридан — буви-боболар ёки ота-онадан дуо олинади. Қайтганда ҳам аввал улардан ҳол-аҳвол сўралади.

Демак, илк ҳаётий ҳақиқат — тарбия оиладан бошланар экан, бунга ота-оналар масъул бўлиб, оилада Шарқ ахлоқ-одоб "кодекси"га ҳамоҳанг тарзда ота-онани, қариндош-уруғни, она Ватанни севадиган, ардоқлайдиган, зарур ҳолларда жонини фидо этишга ҳам тайёр фарзандлар тарбияланмоғи даркор.

Чунки фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, мамлакат равнақи ва юрт келажаги учун хизмат қиладиган инсон бўлиб вояга етишида оиланинг ўрни жуда муҳим. Шу боисдан жамиятнинг асосий бўғинини ташкил этувчи оила жамият ва давлат муҳофазасидадир.

Республикамизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича қонуний ва норматив актлар қабул қилиниши билан бир қаторда 2002 йил 12 декабрда "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида"ги норматив ҳужжатнинг амалга киритилгани фикримизнинг яққол далилидир. Бу ҳужжатнинг замирида оилани мустаҳкамлаш, оналар ва болаларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун тегишли иқтисодий шароит яратиш, соғлом оилани шакллантириш, жамиятда, она ва бола саломатлиги учун махсус шарт, ахлоқий норма ва қоидаларни шакллантириш, кам таъминланган оила фарзандларини давлат муҳофазасига олиш сингари мазмун-моҳият мужассам.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини ҳаётга жорий этишда жойлардаги давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғиботи маркази, банклар, "Маҳалла" жамғармаси, "Оила" маркази ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари масъул қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 22-сонли қарорида Конституциямиздан келиб чиққан ҳолда оилани ҳар томонлама ҳимоялашга, болаларни Ватанга ва оилага садоқат, жамият олдида жавобгарлик ҳиссида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган. Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишларни кўришда, авваламбор, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш бўйича конституциявий нормалар асосида оила аъзоларининг манфаатларини кўриқлаш, вояга етмаган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларини ҳимоялашнинг устунлиги назарда тутилган.

Чунки оиланинг бузилиши сабабини қандай изоҳламайлик, киммидир айбламайлик, бунинг жабрини беғуноҳ болалар тортади ва бундан жамият зарар кўради. Шу боисдан, вояга етмаганларнинг Конституция ва қонунларимизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган. Унинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги, 64-моддасида эса, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Дарҳақиқат, она меҳрини ота бера олмаганидек, ота ўрнини ҳам она босолмайди. Ғазал мулкининг султони, ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз ота-онани улуғлаб, "Бирисини ой англа, бирисини қуёш" деганлари ҳам бежиз эмас.

Ўзбек оиласи миллий, диний қарашлар ва қонунчилигимиз орқали тартибга солинувчи ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради ва шуниси билан халқаро никоҳ муносабатларидан фарқ қилади. Ўзбек оила қурганда, албатта, тўй қилади. Кўпчиликнинг кўз ўнгида тўй қилиб оила қурган йигит-қиз оила масъулиятини чуқурроқ англайди.

Оиланинг жамият ривожидаги бирламчи вазифаси маънавий бутунликдир. Маънавиятсиз моддий фаровонликка ҳам, тараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик миллий таназзулга олиб боради. Нопок, маънавий қашшоқ ота-она ҳалол, маънавий етук фарзанд тарбиялай олмайди. Чунки фарзандлар одатда ўз ота-оналаридан ибрат оладилар. Оилада ота-она бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлса, фарзандлар ҳам шунга қараб тарбияланадилар. Улғайиб мустақил ҳаётга қадам қўйганларида, уй-жойли бўлганларида ота-оналаридан олган тарбияси ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди ва бундай оила мустаҳкам асосга эга бўлади.

Мустақил мамлакатимиз халқининг пировард мақсади ҳар жиҳатдан етук, баркамол инсонлар жамиятини бапо этиш, келажаги буюк давлат қуришдан иборат. Яхши парваришланган ниҳол қуёшга талпиниб, гуркираб ўсганидек, тағ-замини мустаҳкам оилада, ота-она меҳрида, жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол бўлиб вояга етадилар ва мамлакатимизнинг келажаги буюк бўлишига муносиб ҳисса қўшадилар. Бу халқимизнинг эзгу орзуси ва давлатимиз инсонпарвар сиёсатининг пировард мақсадидир.

# Амнистия — инсонпарварлик намунаси

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллиги арафасида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга молик масалалар қаторида амнистия тўғрисидаги масаланинг ҳам кўриб чиқилгани юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди.***

**Расул ЙЎЛДОШЕВ,**
Қарши махсус прокурори
**Алишер ИБРАГИМОВ,**
Қарши махсус прокурори ёрдамчиси

Президентимиз тақдимномасига мувофиқ Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" қабул қилинган қарори айтиш мумкинки, инсонпарварлик, меҳрмурувват, кечиримлилик каби халқимизга хос эзгу фазилатларнинг ёрқин ифодасидир.

Амнистия тўғрисидаги актни қўллаш жараёнида ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш, сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилади. Улар жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳбуслар билан суҳбатлар ўтказадилар, уларнинг шахсий ишлари билан танишадилар, амнистия тўғрисидаги қарорни қўллашга доир ҳужжатларни кўриб чиқадилар, амнистия туфайли озод этилган шахслар билан олиб борилаётган ишларни мониторинг қиладилар.

Бунда ишчи гуруҳи аъзолари суиистеъмолчилик, амнистия ҳақидаги қарорни нотўғри қўллаш ёки рад этиш каби ҳолатларни аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратадилар.

Амнистия актида асосий эътибор биринчи марта жиноят содир этган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет эл фуқаролари, билмай хато қилган ёки адашиб жиноят йўлига кирган, айни чоғда бу қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириш, уларнинг тўлақонли ҳаётга қайтиши ҳамда жамиятга қўшилиши учун яна бир имкон беришдек халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик ифодасидир. Шуни таъкидлаш лозимки, афв этилганлар нафақат озодликка чиқадилар, балки уларни ишга жойлаштириш, турмуш шароитларини яхшилаш бўйича ўтказиладиган яхлит тадбирлар натижасида янгича турмушнинг фаол иштирокчисига айланадилар.

Умуман айтганда, амнистия тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида демократикислоҳотлар изчил амалга оширилаётганининг яна бир далили ҳисобланади. Унинг ижроси жиноий жавобгарликни амалга оширишга дахлдор барча идоралар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

Сенат томонидан амнистия тўғрисидаги актнинг қабул қилиниши мамлакатимизнинг эзгулик, инсонпарварлик ва адолат ғояларига содиқлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, амнистия тўғрисидаги қарор эҳтиётсизлик оқибатида қонунга хилоф ҳаракатга йўл қўйган, ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган юзлаб одамларнинг оилалари бағрига қайтишлари учун имкон яратади.

# Келажак авлодга ғамхўрлик



**Алишер ТЕШАЕВ,**
Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

***Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Юртимизда вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий базанинг яратилгани, самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг жорий этилгани, замонавий таълим муассасаларининг барпо этилаётганлиги, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги ушбу сиёсатнинг яққол ифодасидир.***

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлари даноқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол авлод этиб тарбиялашнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди ва бу борада туб ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, вояга етмаганлар соғлиғини сақлаш ва соғлом авлодни тарбиялаш; ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган вояга етмаганларни давлат томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида улкан ишлар қилинмоқда.

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан янгиланиш, бунёдкорлик, юксалишнинг гувоҳи бўласиз. Ўзига хос шарқона меъморий услубларда барпо этилаётган ва халқимиз, айниқса, келажагимиз ворислари бўлган ёшларга фойдаланишга топширилаётган бирбиридан шинам, кўркам бино ва иншоотлар шаҳар, туман ва қишлоқларимизнинг кўркига кўрк қўшиб, турли маънавий-маданий тадбирларимизнинг масканига айланмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимизда "Аквапарк", "Ёпиқ бассейн", "Мусиқа" мактаблари каби ўнлаб ижтимоий-иқтисодий объектларнинг фойдаланишга топширилгани, шунингдек 10 минг ўринга мўлжалланган стадион, 10 дан ортиқ спорт ва бошқа иншоотларнинг барпо этилаётганлиги юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Яқинда вилоятимиз маркази Навоий шаҳрида "Ёшлар саройи"нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. "Ёшлар саройи" қисқа вақт давомида қарийб 5 млрд. 700 млн. сўм маблағ эвазига моҳир қурувчилар томонидан бунёд этилиб, ёшларимиз ихтиёрига топширилди.

Мазкур саройда 54 та хона мавжуд бўлиб, ундан 34 таси "Рассомчилик", "Кулолчилик", "Ёш техниклар", "Шахмат-шашка", "Рақс", "Компьютер саводхонлиги" ва "Чет тиллар" каби тўгараклар учун ажратилиб, махсус жиҳозлар билан жиҳозланди. Шунингдек, бинода "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими, "Машҳура" ўқув фирмаси, "Ёш оила", "Консалтинг", "Ахборот ресурс" марказлари ҳамда "Маънавият хонаси", "Конференциялар зали", 450 ўринга мўлжалланган "Универсал зал", буфет ва "Тренажёр зал" жойлашган.

Барча хоналар энг замонавий электрон техник, мебель ҳамда ёшларнинг таълим ва сабоқ олишлари учун бошқа зарурий анжомлар, ускуналар билан тўлиқ таъминланган бўлиб, бир кунда 640 нафар ёшларга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

"Ёшлар саройи" ишга туширилиши биланоқ вилоят миқёсида ўтказилаётган кенг қамровли тадбирларнинг мезбонига айланди. Жумладан, унда вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси, Навоий давлат педагогика институти, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўқувчи ва талабалар иштирокида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий ислоҳотлар пойдевори" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Энг яхши ёш журналист — 2011" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам саройнинг "Универсал зали"да ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, навоийлик ёшлар бугун ўзларининг чинакам муҳташам саройига эга бўлди ва ҳеч шубҳасиз, ушбу даргоҳ уларнинг келгусидаги орзу-интилишларини, истеъдодларини рўёбга чиқарадиган қутлуғ масканга айланади.

# Ўрнига номуносиб...

*Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жамият ривожи ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш йўли танланди. Бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳолини ва айниқса, унинг ночор қатламини аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими барпо этилди. Мазкур тизимда маҳалла марказий ўринда туради.*

**Хуршид ЖАЛОЛОВ,**
Ҳамза туман прокурори

Ҳамза туман прокуратураси томонидан ҳам кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, давлат маблағлари мақсадли ва тўғри ишлатилишига доир қонунлар ижроси доимий назоратга олинган. Бу борада 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, туман прокуратураси томонидан тумандаги Амир Темур номли маҳалла фуқаролар йиғинида оилаларга ижтимоий нафақалар ажратилишининг қонунийлиги борасида текшириш ўтказилди. Шуниси ачинарлики, фуқаро И.Мақсудов тумандаги "Камалак коммунал" ХУЖМШда ишламаса-да, шу ширкатда ишлаши тўғрисидаги қалбаки маълумотномани аризасига қўшиб тақдим қилган. Натижада унга 737 минг 80 сўм миқдордаги нафақа пуллари қонунга хилоф тарзда тайинланиб, тўлаб юборилган.

Шунингдек, Б.Салимов номли МФЙда ўтказилган текширишда ҳам қонунбузарликлар фош этилди. МФЙ раиси Шораҳим Шаагзамов мансаб ваколатларини қасддан суиистеъмол қилиб, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ажратилган кўп миқдордаги давлат маблағларини талон-торож қилишга бориб етгани афсусланарлидир.

Дастлабки тергов давомида тўпланган далилларга кўра, у Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги Қарорлари, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган "Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом" талабларини қўпол равишда бузган.

Маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга нафақалар ажратилишини ҳал қилувчи МФЙ махсус комиссияси раиси лавозими унга ишониб топширилган эди. Раис бу ишончни оқламади. Аксинча, жиноятга қўл урди. У фуқаро Е.Сметановга пора эвазига қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, уларни МФЙ махсус комиссиясига тақдим этди ва МФЙ комиссиясининг қарорига асосан унга моддий ёрдам тайинланишига эришди. 2010 йил апрелидан сентябрь ойигача ҳамда 2011 йил апрель ойида ҳар ойда олинган моддий ёрдам пулининг ярмини, жами 325 минг 700 сўмни шахсан ўзи Е.Сметановдан пора тариқасида олиб келган. Маҳалла оқсоқоли бу билан чекланиб қолмаган. У фуқаролар О.Дудкина, Е.А.Ким, М.А.Ким, Д.Р.Ким, А.Ли, Д.Раҳимова, Г.Мўминова, Л.Валишаева, Н.Шустовалар билан ҳам жиноий тил бириктирди. Пора эвазига Е.Сметановга 651 минг 400 сўм, Н.Шустовага 651 минг 400 сўм, Л.Валишаевага 1 млн. 353 минг 160 сўм, Е.А.Кимга 802 минг 760 сўм, М.А.Кимга 768 минг 640 сўм, О.Дудкинага 101 минг 760 сўм, Г.Мўминовага 1 млн. 12 минг 820 сўм, Д.Раҳимовага 1 млн. 350 минг 410 сўм, Д.Р.Кимга 701 минг 760 сўм, А.Лига 768 минг 640 сўмни "ҳадя" қилиб, жами 8 млн. 161 минг 70 сўм миқдордаги давлат маблағларини талон-торож қилишдан ор қилмади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига кўра, нафақа тайинлаш учун ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охирги ўн икки ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома тақдим этилиши талаб қилинади. Туман прокуратураси томонидан 2011 йил апрель ойида МФЙда нафақалар тўғри тайинланиши борасида ўтказилган текширув вақтида у пора сифатида таклиф этилган пул эвазига нафақа тайинланган фуқароларнинг ҳужжатларидаги камчиликларни тўғрилаша шахсан бош қўшгани аён бўлди. Раис иш ҳақи тўғрисидаги бланкаларга ўзи томонидан таъсис этилган, лекин солиқ, тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ва бошқа ваколатли идоралардан рўйхатдан ўтмаган, амалда фаолият кўрсатмаган, сохта "Умид ва Шаҳноза" хусусий фирмасининг муҳри ва штампи босилган қалбаки маълумотномаларни ўзи, Л.Валишаева, Н.Шустова ва МФЙ масъул котибаси Р.Сидиковалар билан биргаликда тайёрлаб, юқорида номлари кўрсатилган фуқароларнинг йиғма жилдларига қўшиб, такроран мансаб сохтакорлигига йўл қўйган. Шунингдек у, фуқаролар М.Бабатаева, Г.Шотемирова, Т.Раупов, Э.Сидиков, М.Кадирова, Р.Азимов, С.Джураева, Т.Ким, А.Мўминов ва Ш.Абдуллаевалар оилаларининг моддий аҳволи текширилганлиги ҳақидаги комиссия аъзолари имзоларини ҳам устамонлик билан қалбакилаштирган. Оқибатда сохта ҳужжатлар асосида МФЙ томонидан асоссиз равишда моддий ёрдам, икки ёшгача ва 18 ёшгача болаларга нафақа пуллари ажратилиши ҳисобига жами 7 млн. 784 минг 100 сўм давлат маблағлари талон-торож бўлиб кетди. Ш.Шаагзамов ушбу ноқонуний ҳаракатлари билан жами 15 млн. 945 минг 170 сўмлик миқдордаги давлат маблағларини растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилган.

Дастлабки тергов давомида етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

МФЙ раиси ва масъул котибларнинг ўзларига юклатилган масъулиятли вазифаларни тўлиқ ҳис этмасликлари, билдирилган ишончни, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари жиноят содир этилишига сабаб бўлди. Хуллас, Ш.Шаагзамов бундай шарафли ишга нолойиқ эканини кўрсатди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Ш.Шаагзамов ва унинг жиноий шериклари тегишли жазоларини олишди.

**Навоий вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган қишлоқ аҳоли пунктларида турар жой ва ижтимоий соҳа объектларини архитектуравий режалаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда аҳолининг уй-жой шароитларини ривожлантиришга доир тадбирлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой биноларини қуришда архитектура ва қурилиш қоидалари талабларига риоя қилиниши ижроси юзасидан назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Ушбу тадбирлар давомида уй-жойлар белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.**

# Дастур ижроси назоратда

**Равшан ИБРАГИМОВ,**
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Жумладан, Кармана тумани "Лубатон" массивида 13 та тўрт хонали намунавий уй-жойларни жорий йилнинг июль ойида қуриб фойдаланишга топшириш "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан "Навоий Тож қурилиш сервис" хусусий корхонасига юклатилган эди. Пудратчи ташкилот эса, уй-жойларни қуриш ишларини 2011 йилнинг ноябрь ойига қадар ҳам тамомламаган. Мазкур ҳолат юзасидан Кармана туман прокуратураси томонидан хусусий корхона раҳбари Н.Жумаевга нисбатан маъмурий, инжиниринг компанияси етакчи мутахассиси А.Шараповга нисбатан эса интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган.

Шунингдек, Томди тумани "Роҳат" массивида 10 та тўрт хонали намунавий уй-жойларни жорий йилнинг 30 июнь кунига қадар қуриб фойдаланишга топшириш шартномага асосан "Қурилиш гарант Зарафшон" МЧЖга топширилган бўлиб, бироқ жамият томонидан уйлар ўз муддатида қуриб фойдаланишга топширилмаган.

Бундан ташқари, Конимех ва Навбаҳор туманларида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жой биноларида иситиш қозонлари, газ ускуналари, эшик ромлари сифатсиз ўрнатилганлиги аниқланиб, туман прокуратуралари томонидан қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида туман ҳокимлари номига тақдимномалар киритилди.

Қизилтепа туманидаги "Вангози" массивида бош пудратчи "Оқ олтин капитал сервис" МЧЖ раҳбари Ё.Холиқов 25 та уй-жойда, пудратчи "Омад кафолат сервис" МЧЖ раҳбари А.Холиқов 20 та уй-жойда ичимлик суви таъминоти ишларини охирига етказишмаган.

Шунингдек, мазкур йўналишда кўпол қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 5 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, инжиниринг компаниянинг Навоий филиали ва пудратчи "Хатирчи меъмор қурилиш" МЧЖ ўртасида "Чинобод массиви" ҳудудида 25 та якка тартибдаги уй-жойларни ўтган йилнинг 1 август кунига қадар тўлиқ қуриб фойдаланишга топшириш учун шартнома имзоланган. Жорий йилнинг 25 февраль кунига қадар қурувчи ташкилот томонидан ушбу объектларда қурилиш ишлари тамомланмаса-да, сохта далолатнома расмийлаштирилиб, объектлар фойдаланишга топширилган. Мазкур ҳолат юзасидан Хатирчи туман прокуратураси томонидан "Хатирчи меъмор қурилиш" МЧЖ раиси Н.Шопўлатовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Учқудуқ туманидаги қуриб фойдаланишга топширилган якка тартибдаги уй-жойлар туман прокуратураси томонидан назорат ўлчовидан ўтказилди. Маълум бўлишича, пудратчи ташкилот томонидан расмийлаштирилган ҳисоб-фактуралар сохталаштирилиб, 14 млн. 399,7 минг сўмлик бажарилган ишлар ҳажми қўшиб ёзилиб, шартномада белгиланган тўлов суммаси тўлиғича қабул қилиб олинган экан. Оқибатда "Гулистон қурилиш сервис" МЧЖ мансабдор шахслари устидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан суд томонидан қонуний жазолар тайинланди.

Бундан ташқари, Хатирчи туманидаги "Шива Милан Аслонов" фермер хўжалиги раиси А.Аслоновга ОАТБ "Агробанк"нинг Хатирчи туман филиали томонидан намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жой олиш учун бошланғич бадалини шакллантиришга 21 млн. 250 минг сўм миқдорида 14 фоиз устама тўлаш шарти билан кредит ажратилган. Аммо бу маблағ фермер хўжалигининг розилигисиз Янгиробод бўлими бошлиғининг хатига асосан ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Навоий вилоят минтақавий филиали томонидан фуқаролар С.Норқулова, Р.Шерназаров ҳамда М.Тўраевларга асоссиз равишда бериб юборилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Хатирчи туман прокуратураси томонидан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Ҳозирги кунда мазкур жиноят иши суд томонидан кўриб чиқилмоқда.

Мазкур йўналишда вилоят прокуратура органлари томонидан доимий прокурор назорати ўрнатилган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида мансабдор шахслар номига 10 та тақдимнома киритилиб, ноқонуний ҳужжатларга 5 та протест келтирилди. 8 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 6 нафарига интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди, 51 нафар мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилиб, 5 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

# Қонун ҳимоя қилади

*Республикамизда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига халал берадиган ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.*

**Шерали КУЧКАРОВ,**
Яккасарой туман прокурори в.б.

"Rent service plus" МЧЖ таъсисчиси Л.Одилов Россия Федерацияси фуқаролигини қабул қилгач, жорий йилнинг 15 апрелида ўзи таъсис этган МЧЖнинг уставига ўзгартириш киритиш ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун Яккасарой туман ҳокимияти қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясига мурожаат қилади.

20 апрелда "Rent service plus" МЧЖ "Rent service plus" хориж капитали иштирокидаги МЧЖ шаклида қайта рўйхатдан ўтказилиб, устави тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан таъсисчи Л.Одиловга топширилади. Бироқ корхонанинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома алмаштириб берилмайди.

Шу сабабдан, "Rent service plus" хориж капитали иштирокидаги МЧЖ раҳбарияти 6 май куни туман ҳокими номига таъсисчининг фуқаролиги ҳамда корхонанинг мулк шакли ўзгарганлиги учун рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани алмаштириб беришни сўраб, ёзма ариза билан мурожаат қилади.

Мазкур ариза шу куниёқ инспекциянинг бўлим бошлиғи — юридик шахсларни рўйхатга олиш бўйича бош мутахассис А.Сулаймонова томонидан қабул қилинган. Орадан ўн кун ўтиб, яъни 16 май куни инспекция бошлиғи А.Салиховнинг имзоси билан ёзма жавоб қайтарилган. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги 357-ПҚ Қарорининг 33-бандига мувофиқ юридик шахс рўйхатдан ўтказувчи органга гувоҳноманинг асл нусхасини давлат рўйхатига олиш (алмаштириш) учун фақатгина номи ўзгарган ҳолатда тақдим этиши кўрсатилган. Қисқаси, гувоҳномани алмаштириш рад этилади.

Бош мутахассис А.Сулаймонова ушбу ёзма жавобда келтириб ўтилган қонун ҳужжатида корхона мулк шакли ўзгарганда ёки уставига ўзгартиш киритилганда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилмаслиги ёки бериш тақиқланиши белгиланмаганини кўрсатиб ўтмаган. Яъни, мурожаат асоссиз рад этилган. Оқибатда корхона ҳисоб рақамидаги молиявий ҳаракатлар тўхтаб қолган.

Корхона раҳбариятининг 30 майдаги қайта мурожаатидан кейингина инспекция бошлиғи А.Салихов томонидан рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилган. Бироқ ўтиб кетган сана, яъни 2011 йилнинг 20 апрели санаси билан...

Шу тариқа, туман ҳокимияти қошидаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи А.Салихов ва бўлим бошлиғи А.Сулаймоноваларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида "Rent service plus" хориж капитали иштирокидаги МЧЖнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказилган.

Яккасарой туман прокуратураси томонидан юқоридаги ҳолат бўйича А.Салихов ва А.Сулаймоноваларга нисбатан маъмурий иш қўзғатилди ва Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг қарори билан уларга тегишли маъмурий жазо белгиланди.

# Пулни ким тўлайди?

***2010 йили тумандаги 44-умумтаълим мактаби директори вазифасини бажарувчи Шоди Қурбоназаров туман Халқ таълими бўлими мудирининг ғайриқонуний буйруғи асосида ишдан четлаштирилган эди. Иш судда кўриб чиқилганидан сўнг, жавобгар — туман Халқ таълими бўлимидан мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва давлат божини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарор қабул қилинди. Жавобгар эса, мазкур тўловни мактаб ҳисобидан ундириш тўғрисида буйруқ қабул қилди. Аммо мактаб бош ҳисобчиси буйруқда кўрсатилган суммани тўлашдан бош тортмоқда.***
***Мудир Ё.Нормуродовнинг буйруғи тўғрими? Пулни Ш.Қурбоназаровга ким тўлаши керак? Мактаб бош ҳисобчисининг бу пулни тўламасликка ҳаққи борми? Мактаб бош ҳисобчиси пулни тўламаса, унга бирор чора кўриладими?***

**Ч.Абдураҳмонова, А.Хўжамбердиев, Музработ тумани**

МКнинг 274-моддаси бўйича меҳнат шартномасини ғайриқонуний бекор қилиш ёки ноқонуний бошқа ишга ўтказганлик учун моддий жавобгарлик суд томонидан фақат ўзига берилган ваколат доирасида, аммо қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарган мансабдор шахсга юклатилиши мумкин.

Ишга қабул қилиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган мансабдор шахс, қонунни очиқ-ойдин бузиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқарган тақдирда, у МК 201-моддасининг 1-қисми доирасида моддий жавобгар бўлади.

Агар ишни кўриш жараёнида мансабдор шахс корхона билан меҳнат муносабатларини бекор қилган тақдирда ҳам у корхонада ишлаган даврида қонунни очиқ-ойдин бузиб, меҳнат шартномасини бекор қилган ёки бошқа ишга ўтказган ҳамда ишга тиклаш ҳақидаги қарорнинг ижросини кечиктирган бўлса, суд МКнинг 274-моддасига биноан бу шахсга моддий жавобгарликни юклаши мумкин, чунки меҳнат шартномасининг бекор қилиниши етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан уни озод этмайди.

# Ким ҳақ?

***Мен 2009 йилнинг 24 августидан буён туман Халқ таълими бўлимида маънавий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассис лавозимида ишлаб келаётган эдим. 2010 йилнинг 3 ноябрида туман Халқ таълими бўлими мудирининг буйруғи билан ишдан бўшатилдим.***
***Бироқ, у мени ишдан бўшатиш ваколатига эга эмас эди. Чунки Республика Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 9 апрелдаги 72-сонли буйруғининг 3-иловасига мувофиқ, мен ишлаб келган лавозим вилоят Халқ таълими бошқармасининг номенклатурасига киритилган. Бу Халқ таълими вазирининг 1-ўринбосари томонидан ушбу ҳолат бўйича берган жавоб хати билан ҳам тасдиқланади.***
***Суд туман Халқ таълими бўлими мудири юқоридаги ҳолатга кўра мени ишдан бўшатиш ваколатига эга эмас, деб топиб, даъвоимни қаноатлантирди ва ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақини тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Лекин апелляция инстанцияси томонидан мазкур қарор бекор қилинди. Суд туман Халқ таълими бўлими мудирининг мени ишдан бўшатиш тўғрисидаги 2011 йил 21 февралдаги 28-сонли буйруғини тўғри деб топди. Бунда ким ҳақ?***

**Абдимурод Холбоев, Музработ тумани**

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ва буйруқ билан расмийлаштирилади, дейилади Меҳнат кодексининг меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштириш деб номланган 107-моддасида. Бинобарин, Республика Халқ таълими вазирлигининг сиз тилга олган буйруғи иловасига мувофиқ эгаллаб турган лавозимингиз вилоят Халқ таълими бошқармаси номенклатурасига кириб, сиз билан меҳнат шартномаси мазкур бошқарма билан тузилган бўлса, уни қуйи тизим раҳбари бекор қилишга ҳақли эмас. Яъни у ваколатли бўлмайди.

***Мен яқинда ўз хоҳишимга кўра ишдан кетдим. Ишлаган даврларим учун ҳисоб-китоб қилинганида ишдан кетганлик учун қўшимча тўлов, яъни неустойка беришмади. Мен буни Меҳнат кодексида ўқиган эдим. Қонунда ёзилган бўлса-ю, уни иш берувчи тўламасликка ҳаққи борми?***

**Асқарали Шокиров, Фарғона шаҳри**

# Ноҳақлик эмасми?

Меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда неустойканинг тўланиши бундай мажбуриятнинг меҳнат шартномасида назарда тутилган ёки тутилмаганлигига боғлиқдир. Агар бундай мажбурият назарда тутилган бўлиб, тўлов амалга оширилмаган бўлса, бунинг тўлаб берилишини талаб қилишга ҳақли бўласиз.

# Болага ким қарайди?

***Икки нафар фарзанди бор эр-хотин ичкиликка муккасидан кетганлиги ва болаларига қарамаганлиги учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, болалар улардан алимент олиши мумкинми?***

**Жўрабек Гаппаров, Чилонзор тумани**

Оила кодексининг 81-моддаси талабига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш, шунингдек, болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Лекин ота-онанинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши уларнинг ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Қолаверса, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

***Бу йил янги йил байрами ҳафтанинг охирги кунига тўғри келмоқда. Лекин байрам қайси кунга тўғри келишидан қатъи назар 1 январь ва бошқа шу каби байрам кунлари одатда дам олиш куни бўлади. Бу қонунда ёзилганми?***

**Отабек Ўктамов, Боғдод тумани**

# Байрамдаги дам олиш

Байрам кунлари Меҳнат кодексида алоҳида белгилаб қўйилган. Хусусан, кодекснинг 131-моддасига кўра, қуйидагилар байрам (ишланмайдиган) кунлари ҳисобланади:

1 январь — Янги йил;
8 март — Хотин-қизлар куни;
21 март — Наврўз байрами;
9 май — Хотира ва қадрлаш куни;
1 сентябрь — Мустақиллик куни;
1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни;
8 декабрь — Конституция куни;
Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;
Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамининг биринчи куни.

*"Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. Қуйидаги ишлар, яъни:*
*ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;*
*фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;*
*суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;*
*қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди".*
**(Меҳнат кодексининг 7-моддаси)**



# Кейинги буйруқ қонунийми?

***Биринчи инстанция суди фуқаролик иши юзасидан апелляция шикоятини қабул қилгач, кўпи билан неча кун ичида ишни апелляция судига юбориши керак?***
***Фуқаролик иши бўйича сиртдан қабул қилинган қарор қонуний кучга кирганидан сўнг жавобгар қарор ижросини таъминлаш ҳақида буйруқ чиқарди. Шундан сўнг жавобгар қарор ижросини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш ҳақида кассация шикояти ёзмасдан ариза билан мурожаат қилиши мумкинми? Бундай вақтда қарор қабул қилган суд қандай йўл тутиши лозим? Жавобгарга ФПКнинг 229-моддасига мувофиқ, кассация шикояти ёзиш ҳуқуқини тушунтириб, аризани олмасдан қайтариши керакми ёки муддат ўтган бўлса ҳам сиртдан қабул қилинган қарорни жавобгар иштирокида қайта кўриб чиқиш ҳақидаги жавобгарнинг аризасини қабул қилиш керакми?***
***Ноқонуний буйруқни бекор қилиш ҳақида судга мурожаат қилинганда, жавобгар суд жараёни тугамасдан туриб янги буйруқ чиқариб, ходимни ишга тиклаш ўрнига яна ишдан бўшатса унинг ҳаракатлари қонунга зид эмасми? Бундай ҳолда кейинги қабул қилинган буйруқни қонуний дейиш мумкинми? Суд қайси буйруқ бўйича иш кўриши керак?***

**Алишер Холбоев, Музработ тумани**

Фуқаролик-процессуал кодексининг 325-моддасига мувофиқ, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичида ишни тушган шикоят ёки протест билан бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси билан мустаҳкамланган. Бироқ, фуқароларнинг бундай ҳуқуқдан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори юзасидан мурожаат қилиш масаласи эса, Фуқаролик-процессуал кодексининг 348-1-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра, кассация шикояти бериш (протести келтириш) ҳуқуқи ва муддати белгиланган бўлиб, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш жойидаги суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризасига кўра, тарафларнинг мулкий аҳволи ёки бошқа ҳолатларга қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга йўл қўйишга, шунингдек, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли, дейилади ФПКнинг 216-моддасида. Мазкур аризалар ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек, суд ҳужжатини ижро этиш суд ижрочисининг иш юритувида бўлса, суд ижрочисига юборилади.

Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, шунингдек, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги масала бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 28 декабрь кунги "Фуқароларнинг суд ишларига доир мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти ҳақида"ги Қарори талабларига кўра, мурожаатларни қабул қилишни рад этишга фақат қонунда белгиланган асосларга кўра йўл қўйилади.

Иш берувчининг ходимни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги юзасидан судга қилинган мурожаати бўйича иш кўрилаётган вақтда жавобгар яна қонунга хилоф буйруқ қабул қилиши уни ходимни меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини тўлаб бериш мажбуриятидан озод этмайди. Суд низо предмети бўйича иш кўриб, қарор қабул қилади.

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**
**Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.**

**Саволларга Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Мамбетали БАБАТАЕВ жавоб берди.**

# Инсон ҳаёти қонун муҳофазасида

Қаҳрамон ИБРОҲИМОВ,
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари тингловчиси

Барча даврларда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини турли ғайриқонуний қилмишлардан муҳофаза қилиш долзарб масала бўлиб келган.

Зеро инсон дунёни, табиат сирларини ўрганувчи ва ўзгартирувчи субъект бўлиш билан бирга, дунёни ўз манфаатига бўйсундириш ва ривожлантириш қобилиятига эга бўлган табиат маҳсули сифатида ижтимоий муносабатларни ўзида мужассамлаштирган ягона объектдир. Давлат қонунларида инсон ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига алоҳида ўрин ажратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатни демократлаштириш, янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у жамият ва давлатнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи ўзига хос мезон ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бош тамойили, давлатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий тизимининг устувор йўналиши ва асосий мақсадидир.

Конституциямизнинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади", деб кўрсатилган .

Шу сабабли, истиқлолнинг тарихан қисқа даври мобайнида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид асосий халқаро стандартларга алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Ҳар бир халқаро ҳужжатнинг ратификация қилиниши мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов айтганларидек, "...инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда белгилаб қўйилган".

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 3, 5-моддаларида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6, 7, 9, 10, 11-моддаларида инсоннинг яшаш ҳуқуқи, қадр-қиммати, озодлиги ва хавфсизлиги, шаъни ва обрўйини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Бу халқаро ҳуқуқий меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосини ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари турли ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан ҳимоя қилинади, лекин жиноят қонунларида ҳаётга қарши суиқасд, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳуқуқнинг бу соҳаси ана шу жавобгарликни қўллаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "...бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат" .

Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун биринчи навбатда хавфсизлик таъминланиши, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Шундай экан, давлат, унинг органлари жамоат хавфсизлигига, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонун билан ҳимоя қилинган барча ижтимоий муносабатларга қаратилган ҳар қандай тажовузларни, шу жумладан, содир этилаётган жиноятларни, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, кучсизлантириш, уларга тўсиқлар қўйишга қаратилган ҳамма зарурий чораларни амалга оширишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида инсоннинг яшаш ҳуқуқи қайд этилган. Яъни ҳар бир инсон учун ажралмас ҳуқуқ — яшаш ҳуқуқи бўлиб, унга тажовуз қилиш энг оғир жиноят деб таърифланади.

Шу боис ҳам одам ўлдириш энг оғир ва хавфли жиноятлардан бири ҳисобланади. Одам ўлдиришнинг умумий тушунчаси бошқа шахсни ғайриқонуний (қасддан ёки эҳтиётсизлик билан) ҳаётдан маҳрум қилишдан иборат.

Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш коррупция ва уюшган жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради. Умумий жиноятчиликнинг алоҳида, энг оғир ва ўта хавфли, ажралмас қисми бўлган шахснинг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар ҳам бундан мустасно эмас.

Демократик жамиятда жиноятчиликка, шу жумладан, шахснинг ҳаётига тажовуз қилиш каби жиноятларга қарши кураш нафақат жиноят-ҳуқуқий воситалар, балки уларнинг олдини олиш учун шахснинг шаклланишига ва тафаккурига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, бартараф этиш, кучсизлантириш, уларнинг вужудга келишига тўсқинлик қилишга оид комплекс чоралари қўллаш билан ҳам амалга оширилади.

Бу эса бугунги кунда шахснинг ҳаётига қарши қаратилган жиноятларни содир этаётган шахсларнинг жиноий йўлни танлашга олиб келган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳодиса, воқеа ва жараёнларни, улар ўртасидаги муносабатларни ўзига хос қонуниятларини чуқур, ҳар томонлама ва аниқ илмий таҳлил қилишни талаб этади.

Шуни таъкидлаш керакки, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари турли ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан ҳам ҳимоя қилинади, жумладан, жиноят қонунларида ҳаётга қарши жиноятлар, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳуқуқнинг бу соҳаси ана шу жавобгарликни қўллаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади.

Юридик адабиётларда эътироф этилганидек, жиноятчилик — кишилик жамиятида ҳамиша мавжуд бўладиган, ўз қонуниятлари ҳамда сифат ва миқдор тавсифига эга бўлган, жамият ва унинг аъзолари учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ҳамда устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чоралари ўрнатилишини талаб қиладиган хавфли ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Россиялик криминолог олим Ю.М.Антонян: "Жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, у фақат жамият билан бирга барҳам топиши мумкин", деб таъкидласа, ўзбекистонлик ҳуқуқшунос олим Ҳ.Т.Одилқориев: "Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширишда жиноятчиликни таг-томири билан бутунлай тугатиш мақсади ҳаққоний эмас, жиноятчиликнинг ҳолати ва унга қарши кураш шарт-шароитларидан кўриниб турибдики, у баъзан самарали, баъзан эса бесамара ўтказилиши мумкин. Чамаси, жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиш ниҳоятда мураккаб ва тўла амалга ошмайдиган орзу бўлса керак", деб ёзади.

Дарҳақиқат, инсоният ҳаётининг барча даврларида доимо жиноятчиликка қарши курашиб келган, аммо жиноятчилик сақланиб қолаверган. Ҳозирги кунда унинг уюшган жиноятчилик, коррупция, терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ўта хавфли турлари ҳамда кўринишлари мавжуд.

Ер юзида жиноятчиликнинг, хусусан, унинг халқаро даражада уюшган шаклларининг кўпайиб боришига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

а) ҳаётнинг глобаллашиб ва жадаллашиб бораётгани;

б) жаҳон ҳамжамиятини бошқариш, халқаро муаммоларни ҳал қилишнинг демократик усулларига қарши зўравонлик усулларини қўллашнинг кенгайиб бораётгани;

в) диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва терроризмнинг кучайиб бораётгани;

г) халқаро уюшган жиноятчиликнинг янгидан-янги ҳудудларда, хусусан, табиий ва меҳнат ресурсларига бой бўлган мамлакатларда фаолият юритишга борган сари кўпроқ уринаётгани;

д) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши ортиб бораётгани;

е) миграция ва ахборот алмашиш жараёнларининг кенгайиб ва тезлашиб бораётгани.

Бундай вазиятда жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятларнинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шуни қайд этиш жоизки, жиноятларнинг олдини олиш — давлат ҳокимияти органлари, махсус ваколатга эга субъектлар ва кенг жамоатчиликнинг жамиятда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, криминоген омиллар таъсирини камайтириш, жиноий қилмишларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга ижтимоий, махсус криминологик ва якка тартибда тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, тарбиявий, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув мазмунига эга бўлган чора-тадбирлар давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган узлуксиз мураккаб жараёндир.

Жамиятимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган вазифадир. Лекин ушбу вазифани амалга ошириш давлат ва жамият ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда фуқароларнинг бу жараёнда иштирок этишларини талаб қилади. Чунки жиноятчиликка қарши кураш кенг жамоатчилик асосида, барча давлат ва жамоатчилик механизмлари фаол жалб қилинган ҳолда амалга оширилсагина самарали бўлиши мумкин.

Жиноятчиликнинг шарт-шароити, ўз-ўзидан жиноят ва жиноятчиликни келтириб чиқармайди, аммо у жиноят содир этиш сабабини вужудга келтирувчи ғайриижтимоий ҳодисадир .

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Конституция билан бир вақтда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун ўтган йиллар мобайнида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида самарали хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ушбу қонун доирасида фаолият кўрсатаётган прокуратура органлари мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, туб ислоҳотлар самарасини таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"-ги Қонуни нормалари фуқароларнинг қонун билан кафолатланган манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясини тўлалигича таъминлашга қаратилган бўлиб, бу нормалар муҳим профилактик ва тарбиявий функцияларни бажаради. Ҳозирги кунда уларни билиш ва тўғри қўллаш жиноятчиликка қарши курашишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

# Долзарб мавзудаги анжуман

Бахтиёржон ҚОРАБОЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

***Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" ги Қарори халқимизга хос эзгу фазилатларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.***

Андижон вилоят Ички ишлар бошқармасида мазкур қарорнинг ижросига бағишланган тезкор йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман ХООБ, жазони ижро этиш инспекциялари бошлиқлари ва инспекторлари, вилоят ИИБга қарашли 14-тергов ҳибсхонаси масъул ходимлари, вилоят прокуратураси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармаси бўлимлари раҳбар ва масъул ходимлари, шунингдек, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги жазони ижро этиш муассасалари ҳузуридаги жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, уларнинг шаҳар-туман бўлими вакиллари, шунингдек, бошқа тегишли ташкилотларнинг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Маълумки, амнистия тўғрисидаги қарорда мутасадди идоралар зиммасига қатор вазифалар юкланган. Мазкур йиғилишда ана шу ишлар ҳақида сўз борди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қарор ижросини сўзсиз таъминлаш, бу борада аввал йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик зарурлигини, қарор халқимизнинг инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларига тўла мос келишини, мустақил юртимизда инсон ва унинг қадр-қиммати нечоғлик устувор эканлигини таъкидладилар.

Шунингдек, йиғилишда вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси И.Валиев, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи С.Юсуфов ва бошқаларнинг ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш сўнггида кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# Алданган тоға

**"Чўкаётган одам хасга ҳам ёпишади" деган гап тўғри экан. Ғайрат Абдулҳамидов (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) бир неча йиллардан буён давлат идораларида масъул мансабдор лавозимида ишлаб келаётган жияни Маърўфга нисбатан жиноят иши қўзғатилганида шундай аҳволга тушди.**

**Ҳусан ҲУСАНОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси терговчиси

"Жияним жиноят содир этибдими, жазосини олсин", демади. Қандай йўл билан бўлса-да, жиянини муқаррар жазодан олиб қолиш ҳаракатига тушди. Бироқ, жиноят жазосиз қолиши мумкинми?

Ғ.Абдулҳамидовнинг уринишлари зое кетди. "Пул билан ҳамма муаммони ҳал қилиш мумкин" деган хом хаёл уни чалғитди. Бўлмаса, танимаган-билмаган одамларнинг "Жиянингизни қамалиб кетишдан олиб қоламиз" деган гапларига ишониб, 135 минг АҚШ долларини бериб юборармиди?

Воқеа бундай бўлган эди.

Одатдаги кунларнинг бирида Руслан Матқобиловга узоқ қариндоши Ғайрат Абдулҳамидов телефон қилиб, "маслаҳатлашадиган гап бор, бир келиб кет", деб қолади. Руслан айтилган вақтда, айтилган жойга етиб боради.

"Хабаринг бўлса керак, жияним Маърўфнинг ишлари чатоқ. Ёшлик қилибми, криминалга аралашиб қолган экан, устидан прокуратура жиноят иши қўзғаган. Хуллас, шу ишни бости-бости қиладиган одам тополмаяпман. Танишларимдан наф чиқмади. Агар ишни ҳал қиладиган одаминг бўлса, гаплашиб кўр. Қанча деса бераман", — дейди Ғ.Абдулҳамидов узоқ қариндошига.

Руслан Маърўфнинг қандай лавозимда ишлаганини билар, шунинг учун қандай жиноят қилганини сўраб ўтирмайди. Буни ўзича тахмин қилади. Фирибгарлар одатда ўз ўлжасини пулдорлар орасидан қидиради ва улар кишиларнинг иложсиз аҳволда қолганидан фойдаланишни маъқул кўришади. Илгари ҳам мансаб сохтакорлиги, фирибгарлик каби жиноятлар содир этгани учун 2 бор судланиб, жазосини ўтаб чиққан Руслан ҳам бу имкониятни қўлдан бергиси келмайди. У Ғ.Абдулҳамидовнинг моддий имкониятларини яхши билгани учун таниш топиб беришни ваъда қилади ва шу оннинг ўзидаёқ фирибгарлик режасини туза бошлайди.

Эртаси куни ўзи каби қилмишлари учун жазо ўтаб чиққан, аммо ҳамон кўзи очилмаган таниши Саидаҳмад Алиходжаевни қидириб топади. Улар шу жойнинг ўзидаёқ режани яна бир бор пишитиб олишади. Жиноятга Шокир исмли, ўзини тегишли идора ходими деб таништириб юрадиган яна бир фирибгарни шерик қиладиган бўлишди.

Хуллас, кўп ўтмай улар Ғ.Абдулҳамидовнинг ҳузурида пайдо бўлишади. Шокирни тегишли идора ходими деб таништириб, уларни "ўзларинг гаплашиб олинглар" деб холи қолдириб кетишади.

Шокир бор маҳоратини ишга солиб, Ғ.Абдулҳамидовни аврай бошлайди. Шусиз ҳам кимга ишонишни билмай юрган Ғ.Абдулҳамидов унинг фирибига чув тушади.

Шундай қилиб, Шокир танишлари орқали Маърўфни "қамоқдан олиб қоладиган", бунинг учун эса Ғ.Абдулҳамидов унга 100 минг АҚШ доллари берадиган бўлади.

Кўп ўтмай Ғ.Абдулҳамидов Саидаҳмадга 50 минг АҚШ долларини олиб бориб беради. Ишнинг бундай силлиқ кетишини кутмаган фирибгарлар пулнинг қолганини ҳам тезлаштиришни сўрашади. Бир-икки кун ичида қолган 50 минг АҚШ долларини ҳам қўлга киритишади.

Аммо улар "тўрга тушган катта балиқни" қўйиб юборишни исташмайди. Сурбетларча "иш жиддийлашиб кетган, бу пул кам" деб яна 55 минг АҚШ долларини талаб қилишади. Начора, Ғ.Абдулҳамидов яна 22 минг АҚШ долларини олиб бориб беради.



Пулни бериб, кўнгли тўқ юрган Ғ.Абдулҳамидов суд ҳукми чиқиб, жияни узоқ йилга озодликдан маҳрум этилганини эшитганида, устидан муздай сув қуйиб юборгандай аҳволга тушади.

Шу куниёқ узоқ қариндоши Русланни топиб сикувга ола бошлайди. Ўз навбатида, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқ Руслан Саидаҳмад ва Шокирларни чақириб келади.

— Айб ўзингизда, — дейди пинагини бузмай Шокир, — айтилган пулни вақтида етказиб беролмадингиз. Майли, яна уриниб кўраман, фақат 20 минг доллар беришингиз керак...

Бу гапдан сўнг Ғ.Абдулҳамидов улардан пулни қайтаришни, бўлмаса ҳуқуқ-тартибот органига мурожаат қилишини айтади.

— Пуллар тегишли одамларга берилган, энди қайтиб ололмаймиз. Ҳуқуқ-тартибот органига ариза берганингиздан ҳам фойда йўқ. Биринчидан, исботлай олмайсиз. Иккинчидан, пулни пора учун бергансиз. Пора воситаси сизга эмас, давлат фойдасига ундирилади, — дейди Саидаҳмад.

Ғ.Абдулҳамидов қаршисида ашаддий фирибгарлар турганига ишонгиси келмай, яна муроса қилади: — Йигитлар, яна бир уриниб кўринглар. Айтган пулларингни эртагаёқ етказаман.

Тез орада фирибгарларга яна 13 минг АҚШ доллари беради. Аммо ўша куни уйига қайтар экан, Ғ.Абдулҳамидов алданганини тушуниб етади ва бир қарорга келади. Ҳуқуқ-тартибот органига ариза билан мурожаат қилади.

Эртаси куни ундан 20 минг АҚШ долларини олаётган чоғида Саидаҳмад Алиходжаев ва Руслан Матқобиловлар жиноят устида қўлга олинадилар.

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг ҳукми билан Р.Матқобилов ва С.Алиходжаевлар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Қидирув эълон қилинган Шокир Турдиев ҳам жазодан қочиб қутула олмади. Яқинда у ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланди, энди суднинг ҳукми билан қонуний жазосини олиши тайин.

# Хушхабарчининг найранглари

**Отабек БОБОДЎСТОВ,**
Чироқчи туман прокурори

Хушхабарчининг қишлоққа кириб келиши ҳақидаги хабар зумда ҳаммага тарқалди. Унинг залворли сумкаси турли хил газета-журналлар, хат-хабарлар, пенсия ва ижтимоий нафақа пуллари билан қаппайган. Асосий даромади асосан пенсиядан иборат бўлган қариялар хабарчини қувонч билан кутиб оладилар. Бу касб соҳиби ҳар бир оиланинг қадрдони, яқин кишиси. Шу боис чол-кампирлар у билан қадрдонлардек сўрашиб, кўрпача солиб, бир пиёла чой тутадилар. Аммо унинг чойхўрлик қилиб ўтиришга вақти йўқ. Ўнлаб хонадонларга кириб чиқиши ва хушхабар улашмоғи керак.



Қулбуруннинг қишлоғи фуқаролари учун Обиддин Мирзаев ана шундай ҳурматиззатга молик киши. У "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалининг Чироқчи почта алоқа тармоғига қарашли "Чияли" алоқа бўлими хушхабарчиси. Қулбурунликлар бу йигитни 2007 йилнинг 13 августидан буён билишади. Унинг таржимаи ҳоли ҳам ҳар бир пенсия олувчига маълум: 1985 йилда Чироқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ўрта-махсус маълумотли. Оилали, бир нафар фарзанди бор. Муқаддам судланмаган ва ҳоказо.

Хуллас, ўз вазифасини оғишмай амалга ошириб келаётган Обиддин Мирзаев 2011 йилнинг бошларида тўғри йўлдан адашди. Қулбурунга бораман деб, бошқа қишлоққа кетиб қолган бўлса керак, деб ўйламанг, йўқ, у тўғри йўл қолиб, жиноят кўчасига етакловчи "найранг" кўчаси томон одимлай бошлаганди.

Хушхабарчининг бундай қадам олишидан дастлаб қулбурунлик Норқувват Жовлиев, Эшмирза Жонқобилов, Ҳабибулла Бойқувватов ва Холмамат Бойқувватов каби қариялар, боқувчисини йўқотганлиги туфайли ижтимоий нафақа олувчи кишилар жабр кўришди. Обиддин уларнинг пенсия ва нафақа пулларини бермагани ҳолда, йўлини қилиб, март ойи тўлов қайдномасига имзо қўйдириб олди.

Шундай бўлиши мумкинми? Олмаган пули учун олдим, деб имзо қўядиган анойи борми? Бундай саволлар туғилиши табиий. Аммо бировни алдайман деган киши учун бунинг йўллари кўп. Алдовга учган Норқувват бобо апрель ойи учун олиши керак бўлган 103 минг 253 сўмидан қуруқ қолди. Кўзи бобо Ҳамидов, Эшмирза Жонқобилов, 2-гуруҳ ногирони Бўрон Бекмурзаев, боқувчисини йўқотган қария Ҳабибулла Бойқувватов ва бошқалар хабарчининг найрангига тушунмаганлари ҳолда унинг айтганини бажаришга "мажбур" бўлдилар.

Аслида бу инсонлар лақма ҳам, анойи ҳам эмас, балки кўнгилчан ва ишонувчан эдилар. Обиддин шундан фойдаланди ва март-апрель ойлари учун 1 млн. 441 минг 613 сўм пенсия ва ижтимоий нафақа пулларини эгаларига тарқатмасдан, ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланишга уринди. Пенсия ва ижтимоий нафақа пуллари тарқатилганлиги ҳақидаги С-5 тўлов қайдномасини эса ўз муддатида туман алоқа бўлимига топшириб юборди. Энди у даъво қиладиган кишига қараб: "Мана, имзо чеккансан. Демак, пулингни олгансан", дейиши мумкин эди.

Худди ана шу вазиятда "Чияли" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи кишиларнинг пенсия ва ижтимоий нафақа пулларини ўз вақтида ололмаётганликлари юзасидан тушган аризага асосан текширув ўтказилди. Судда гувоҳ С.Марипов ҳақиқатан ҳам О.Мирзаев 2011 йил март-апрель ойлари учун 1 млн. 441 минг 613 сўмлик пенсия ва нафақа пулларини тарқатмаганлигини аниқлаб, шу ҳолат юзасидан тузилган далолатномани туман прокуратурасига топширганлигини билдирди.

Судда судланувчи Обиддин Мирзаев айбига иқрорлик билдириб, бундай йўл тутганлигига сабаб, оилавий шароити эканлиги ҳақида кўрсатма берди. Ёшлик пайтида отаси вафот этиб кетганлиги, айни пайтда онаси ҳеч қаерда ишламаслиги, оилада бош фарзанд бўлганлиги учун онасини, укаларини ва 82 ёшли момосини боқишга мажбурлигини билдирди. Маълум бўлишича, унинг момоси оғир касал бўлиб қолган ва Обиддин қулбурунлик қария ҳамда ногиронларнинг пулларини момони даволатиш учун сарфлаган.

Энди масаланинг бошқа бир жиҳатини олиб қарайлик, майли, Обиддиннинг суддаги кўрсатуви бўйича унинг айтганлари рост бўлсин ҳам дейлик. Аммо ўз яқинини ўзгалар ҳисобидан даволатиш адолатданми? Ҳар бир оиланинг ўзига яраша эҳтиёжи ва ташвиши бор. Масалан, боқувчисини йўқотган Ҳабибулла Бойқувватов ёки 2-гуруҳ ногирони Бўрон Бекмурзаев бир ой давомида нимаанинг ҳисобидан кун кўриши керак? Норқувват бобо ва бошқалар-чи? Уларнинг айримлари икки ой давомида давлат томонидан тайинланган пенсияларини ёки нафақа пулларини ололмаганлар.

Бундай найрангнинг ўз вақтида олди олинмаганда, яъни фуқароларнинг аризалари юзасидан текширув ўтказилмаганда ва суд орқали чора кўрилмаганда, иш янада чуқурроқ томир отиши ва Обиддин ўзгалар маблағини ўзлаштиришга, турли йўллар билан одамларни алдашга янада ружу қўйиб, бундан ҳам каттароқ жиноятларга қўл уриши ва нафси ҳакалак отган бандага айланиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Яхшиямки, юртимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар бор. Содда одамларни алдаб, найранг кўрсатувчи шахслар ундан қочиб қутула олмайдилар. Қонун нафақат жазолайди, балки, тўғри йўл кўрсатади ва тарбиялайди ҳам. Қулбурунлик қариялар ҳақ-ҳуқуқлари қай даражада мустаҳкам кафолатланганлигини ўз мисолларида кўриб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Найранг кўрсатишга уринган О.Мирзаев ўзи ўзлаштирган пулларни дарҳол тўлади. У пулларни кимдан, қаердан олди? Етказилган зарарни ўз вақтида тўлабдими, демак, ўзгаларнинг маблағини ғорат қилмасдан ҳам момони даволатишга имкон бор эди. Нега аввалроқ — ғишт қолипдан кўчмай туриб, шундай қилмади. Текширувлар, суриштирувлар, терговлар ва суд. Буларнинг ҳаммаси О.Мирзаевнинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараши, одамларни лақиллатиб, уларнинг ишончига кириб, каттагина миқдордаги маблағдан ўз шахсий эҳтиёжи учун фойдаланиш йўлида қилган найранглари туфайли рўй берди.

Суд найрангбозни муносиб жазолади. О.Мирзаевга ЖКнинг тегишли моддаларига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Албатта, О.Мирзаев тўғрисидаги нохуш хабар қарияларни бефарқ қолдирмади. "Аттанг", дейишди улар бош тебратиб. Гарчи ўзлари жабр кўрган, асабийлашган, ариза ёзишгача борган бўлсалар-да, унга чин юракдан ачинишди. Ахир энди у қилган гуноҳи учун 2 миллион 486 минг 750 сўм жарима тўлаши керак.

Шу ўринда отахонлардан бирининг хулосасини келтиришни ўринли деб ўйлаймиз. "Биз тўғри қилдик. Бу Обиддинга бир умрлик сабоқ бўлсин", деди қария. У ҳақ гапни айтган эди.

# 2011 йилнинг муҳим воқеалари

***Тарих зарварақларини турли воқеалар билан безаган 2011 йил ҳам ўз поёнига етиб бормоқда. Янги 2012 йилга саноқли кунлар қолганда ортимизга бир назар ташлаб, ўтиб бораётган йилда нималарга эришдик ва нималарни йўқотдик дея ўзимизга савол берамиз. Юртимиз миқёсида оладиган бўлсак, мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" дея ном олган ушбу йилда барча соҳада ўзига хос ютуқларга эришилди. Ҳар бир соҳада барқарорлик ҳукм сурган 2011 йилдаги муҳим воқеаларга мухтасар тўхталиб ўтамиз.***

**Фазилат ЁДГОРОВА,**
«Huquq»




24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозонинг таклифига биноан Брюсселда бўлди.

8-9 февраль кунлари Президент Ислом Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Буюк мутафаккир, шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди.

18 февраль куни Президент Ислом Каримов Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Шу куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

4 март куни Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида баён қилинган қонунчилик ташаббусларига мувофиқ тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуни қабул қилинди.

18 март куни Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Марказий ҳарбий кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Лян Гуанлени қабул қилди.

24 март куни Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Юсуф Ризо Гилоний юртимизга ташриф бюрди.

25-31 март кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлигида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

7 апрель куни Тошкент шаҳрида Ташқи ишлар вазирлари даражасида навбатдаги "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" учрашуви бўлиб ўтди.

18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

19-20 апрель кунлари Президент Ислом Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди.

5-6 май кунлари Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

11 май куни Тошкентда компьютер дастурчиларининг "Best Soft Uzbekistan — 2011" йиллик Миллий форуми бўлиб ўтди.

12 май куни Президент Ислом Каримов Оқсаройда Испания Парламенти қуйи палатаси (Депутатлар конгресси) депутати, ушбу мамлакатнинг собиқ ташқи ишлар вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

Шу куни Тошкентда "VI Умумжаҳон сув форуми сари — сув хавфсизлиги йўналишида ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар" мавзуидаги халқаро конференция бошланди. Мазкур анжуман 2012 йилнинг март ойида Франциянинг Марсель шаҳрида бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон сув форумига катта тайёргарлик жараёни доирасида Умумжаҳон сув кенгаши кўмагида ўтказилди.

17-18 май кунлари Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикаси Президенти Пратибхи Патилнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

20 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори қабул қилинди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Оқсаройда "Лукойл" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

23 май куни БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Ҳелен Кларк юртимизга ташриф буюрди.

26 майда пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон — Польша ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

30 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

31 май куни АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Денис Макдона юртимизга ташриф буюрди.

1 июнь куни Президент Ислом Каримов Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Аудронюс Ажубалисни қабул қилди.

2 июнь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси парламенти Сенати раисининг биринчи ўринбосари Пржемисл Соботка раҳбарлигидаги делегация Олий Мажлис Сенатида бўлди.

2-5 июнь кунлари Сингапурда ўтказилган Осиё кубоги мусобақаларида ҳамюртимиз Абубакир Узақбаев академик эшкак эшиш бўйича олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, ушбу мусобақаларда спортнинг турли йўналишлари бўйича Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилган Зафар Усмонов, Ёқуб Ҳамзаев, Дилшод Қудратов, Ерназар Ҳамидуллаев, Наталья Багитова каби спортчиларимиз ҳам олтин медалга сазовор бўлишди.

13 июнь куни Президентимиз Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

14-15 июнь кунлари Президентимиз Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)га аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

30 июнь куни Ўзбекистон ва Франция ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармойиши эълон қилинди.

21 июль куни пойтахтимизда янги Экологик ахборот-ресурс маркази очилди.

25 июль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида "Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш" лойиҳаси бўйича навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди.

23 август куни Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси ва Корея Республикаси фонд биржаси (КФБ) ўртасида Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини модернизация қилиш тўғрисидаги бош шартнома имзоланди.

23-24 август кунлари Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Ташриф доирасида 24 август куни пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

25 август куни Президент Ислом Каримов Оқсаройда АҚШ Сенатининг қатор нуфузли қўмиталари аъзоси, Жанубий Каролина штатидан сайланган республикачи-сенатор Линдсей Грэхемни қабул қилди.

26 август куни қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" саккизинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди.

1 сентябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ва юртимизнинг барча гўшаларида буюк ва муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги байрам тантаналари бўлиб ўтди.

5 сентябрь куни юртимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Қуйи саксония федерал ерининг озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ривожланиш вазири Герт Линдеманн раҳбарлигидаги делегация қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказди.

6 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси билан Қатар Давлати ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги Битимни (Доҳа, 2010 йил 24 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди.

Шу куни пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ҳамда "Happy Caravan" халқаро турнири бошланди.

9 сентябрь куни Президент Ислом Каримов Оқсаройда Словакия Республикаси, Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Ҳиндистон Республикаси, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Юрай Сивачек, Абдураҳмон бин Абдулла бин Абдураҳмон аш-Шае, Анумула Гитеш Сарма ва Риккардо Манардан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

16 сентябрь куни пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "InterMedPharm Uzbekistan - 2011" III Халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тадбир "TNT EXPO" халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзфармсаноат" ДАК ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар - Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

19 сентябрь куни Президент Ислом Каримов "Сасол" компанияси (Жанубий Африка Республикаси) бош ижрочи директори Дэвид Констебль ва "Петронас" корпорацияси (Малайзия) президенти Дато Шамсул Азҳар Аббосни қабул қилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси "Сасол" ва "Петронас" компаниялари билан биргаликда Шўртан газкимё мажмуида ишлаб чиқариладиган метан газидан синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқарадиган завод қуриш бўйича қўшма лойиҳани амалга оширмоқда.

22 сентябрь куни Президент Ислом Каримов Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси У Бангони қабул қилди.

28 сентябрь куни Президент Ислом Каримов ва АҚШ президенти Барак Обаманинг телефон орқали мулоқоти бўлди.

Президент Ислом Каримов 3 октябрь куни Вьетнам Социалистик Республикаси Бош Вазири Нгуен Тан Зунгни қабул қилди.

22 октябрь куни Президент Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтонни қабул қилди.

23 октябрь куни АҚШ Давлат котиби Ҳиллари Клинтон Тошкентдаги Аёллар саломатлиги маркази фаолияти билан танишди.

29 октябрь куни Қарши шаҳридаги "Марказий" стадионда ўтказилган Осиё футбол конфедерацияси кубогининг финал учрашувида номдор жамоаларимиздан бири "Насаф" Қувайтнинг "Кувайт СК" клубига қарши баҳс олиб бориб, 2:1 ҳисобидаги ғалабага эришди.

31 октябрь куни номдор полвонимиз Абдулла Тангриев Россиянинг Тюмень шаҳрида мутлақ вазн тоифасидаги дзюдочилар ўртасида ўтказилган дунё биринчилигида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлди.

6 ноябрь куни Президент Ислом Каримовнинг таклифига биноан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

5 декабрь куни Олий Мажлис Сенатининг халқимизнинг кечиримлилик ва инсонпарварлик каби фазилатлари ифодаси бўлган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида янги 2012 йилни юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб номлади. Ва "Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор," дея таъкидлади.

Тилагимиз мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили"да ҳам ортда қолаётган йилдаги каби тинчлик ҳукмрон бўлсин. Зеро, ҳар бир ютуқ замирида тинчлик-хотиржамлик ётади.

# Иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлида

*Ҳар бир фуқаро ўзига берилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиб, даромад қилар экан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўғри амалга оширишга мажбурдир. Бироқ, гоҳида айрим юртдошларимиз ушбу меъёрларни "унутиб" қўядилар. Ана шундай пайтларда уларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилади.*

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Хоразм вилояти ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2011 йилнинг ўтган 11 ойи давомида олиб борилган тезкор таҳлилий қидирув ишлари натижасида солиқ ва валютага оид 197 та жиноят ва 73 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10496,9 млн. сўм кўп қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланди. Ҳуқуқбузарлардан 322,2 млн. сўмлик ноқонуний муомалага киритилган товар ва моддий бойликлар олиб қўйилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларда ўтган йилнинг дастлабки чорагига нисбатан 14897 млн. сўм ноқонуний нақд пул айланмалари аниқланиб, натижасига кўра 30 та жиноят иши қўзғатилди.

Жумладан, Урганч шаҳридаги "Жайҳун Прогресс Сервис" МЧЖ раҳбари Р.Аллаберганов жамиятга ҳарид қилинган 599 млн. 360 минг сўмлик товар моддий бойликларни нақд пулга сотиб, савдодан тушган маблағларни тегишли тартибда банк муассасига топширмасдан, бошқа мақсадларда ишлатиб юборган. У бундан ташқари, қонун талабларига зид равишда 244 млн. 588 минг 800 сўмлик товар-моддий бойликларни мувофиқлик сертификатларисиз хўжалик юритувчи субъектларга сотиб юборган.

Шунингдек, баъзи бировлар турли ҳийла-найранглар билан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашаётгани ҳам сир эмас. Янгибозор тумани Бошқиршиих қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Батаев шу қишлоқдаги "Отажон Бекчон" фермер хўжалиги раҳбарини "икки ярим миллион сўм берсанг, "Янгибозор пахта тозалаш" ОАЖнинг мансабдор шахсларига бериб, 5 тонна пахта топширди, деб ёздириб бераман", дея фирибгарлик йўли билан пулни қўлга киритиш пайида бўлди. Қонун ҳимоячиларининг аралашуви билан С.Балтаев жиноят устида қўлга олиниб, унга нисбатан жазо чоралари қўлланилди.

Тадбиркорлик фаолиятини кенг йўлга қўйишда банк-молия кредитларининг ўрни ниҳоятда катта. Кўплаб тадбиркорларимиз банклардан олган имтиёзли кредитлари эвазига ўз фаолиятларини йўлга қўйиш, ривожлантириш, шу орқали юрт иқтисодиётига улуш қўшиш имконига эга бўлмоқдалар. Бироқ тадбиркорларнинг банклардан кредит олишларида айрим мутасаддилар томонидан сансалорлик ҳолатларига йўл қўйилиши оз бўлса-да, учраб турибди. Гоҳида айрим мансабдорларнинг тамагирлиги тадбиркорларнинг ноқулай вазиятларга солиб қўймоқда.

Жумладан, Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан МХХ ходимлари билан ҳамкорликда фуқаро Э.Ражабовнинг аризасига мувофиқ тадбир ўтказилди. Маълум бўлишича, "Саноатқурилишбанк"нинг Хоразм минтақавий филиали кредит операциялари бўлими бошлиғи М.Жуманиёзов бўлимнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш сектори ходими Р.Сатлиқов билан олдиндан тил бириктириб, ушбу банкдан "Маҳлиё Люкс" МЧЖга 60 млн. сўм кредит бериш эвазига жамият раҳбари Э.Ражабовдан 2 млн. сўмни пора тариқасида олишган. 2011 йил 31 октябрь куни эса М.Жуманиёзовнинг оғзаки топшириғига асосан Р.Сатлиқов пора сифатида олинган пул эвазига Э.Ражабовга 800 АҚШ долларини қайтариб берган пайтда ушланган.

Департаментнинг Хазорасп туман бўлими ходимлари томонидан фуқаро О.Абдиримовнинг аризаси асосида ўтказилган текширишда эса қуйидагилар аниқланди.

Фуқаро М.Машарипов ўз таъсисчилигида ташкил қилинган "Агроқурилиштаъмирлаш" хусусий корхонаси ва "Хазорасп агроқурилиш таъмирлаш саховат" МЧЖларидаги иш фаолияти давомида фуқароларни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш орқали жуда кўп миқдорда зиён етказган экан. У туман ҳокимининг 2007 йил 10 октябрдаги қарори билан хусусий корхона ва МЧЖ томонидан ёш оилаларга бериш мақсадида қурилишини якунлаш учун ноль қийматида топширилган тумандаги Навоий кўчасида жойлашган 2 қаватли 8 хонадонга мўлжалланган қурилиши тугалланмаган турар жой биносини ҳозирги кунга қадар давлат қабул комиссиясига фойдаланишга топширишга тайёр ҳолда топширмасдан, уйлар сотилади, деб 8 нафар фуқародан 115 млн. 968 минг сўм пулни алдаб олади. Кейин эса, гўёки ўзининг ҳаракатлари қонуний тусда эканлигига ишонтириш мақсадида фуқаролар билан пудрат шартномаси тузади. Устига-устак, фуқароларга квартира сотиб олиш учун квартира қийматини тўлашингизни сўрайман, акс ҳолда квартира олиш учун берган аризангиз ҳисобга олинмайди, деган мазмунда ёзма равишда алоқа хатлари ҳам юборади. Фуқаролардан пулларни олгач, янги баҳона йўлаб топади. Яъни, ҳозирча бу бинода ишларни бажаришга вақти йўқлигини, уларнинг ўзлари кўрсатиб берган хоналарни тузатишларини ва тузатишда сарфланган барча харажатларини беришини айтиб, алдайди. Бу ҳам етмагандек, ушбу бинодаги квартирани бир вақтнинг ўзида ҳам О.Абдирмов, ҳам Ш.Худойбергановларга сотиб, О.Абдиримовдан 16 млн. сўм, Ш.Худойбергановдан эса 22 млн. сўм пул олади.

Текширувда М.Машариповнинг яна бир қилмиши фош бўлди. Овшар қишлоғида қуриладиган намунавий жойларнинг тендер савдоларида қатнашиб, 10 та хонадон қурилишини ютиб олган тадбиркор, 2010 йил апрель-декабрь ойларида ушбу жойларни қуриб битказади. Қурилишда ишлаган ишчиларга "конверт" усулида ҳақ тўлаб, тўланган хизмат ҳақларини жамият ҳисобхона реестрларида акс эттирмаслик йўли билан жами 8947,9 минг даромад солиғини, 4 фоизли пенсия жамғармаси тўловидан 1187 минг сўмни, 25 фоизли ягона ижтимоий тўловдан 7451,3 минг сўмни яшириб кўрсатиш йўли билан тўлашдан қасддан бўйин товлайди.

Ушбу ҳолатлар юзасидан М.Машариповга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бошқармамиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, "сохта тадбиркорлар"ни фош қилиш, булар эвазига эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга улуш қўшиш борасидаги тадбирлар мунтазам равишда давом эттирилмоқда. Мақсадимиз, ушбу йўналишда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятларини шакллантириш ва юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Бахтиёр ҚОСИМОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 26-декабрдаги 91/6п-сонли буйруғига асосан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:**

1. Тўрткўл тумани, Б.Курбанов кўчасидан (1-ҳудуд) турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва 10-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 82 500 сўм.**

2. Тўрткўл тумани, Самарқанд кўчасидан (1-ҳудуд) турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 500 кв.метр бўлган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 ва 12-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 68 750 сўм.**

3. Тўрткўл тумани, "Туркистон" МФЙ ҳудудидан 1-лойиҳаланаётган кўчасидан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 5, 6 ва 9-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 21 920 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 31 январь куни соат 12:00 да Тўрткўл туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.**

2012 йил 31 январдаги аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 15 февраль ва 1, 16 март кунлари соат 12:00да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб- рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, "Туран банк" Нукус филиали МФО 00585, СТИР 207122519.

**Манзил:** Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-"Б"уй.

**Телефон:** (8-361) 222-84-44.

**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 26 декабрь куни 92/6п-сонли буйруғига асосан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:**

1. Нукус шаҳри, 316-А-квартал ҳудудида (4-ҳудуд) жойлашган турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 25, 27, 29 ва 31-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 22 080 сўм.**

2. Нукус шаҳри, 419-А-квартал ҳудудида (3-ҳудуд) жойлашган турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 429 ва 430-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 30 680 сўм.**

3. Нукус шаҳри, 460-квартал ҳудудида (3-ҳудуд) жойлашган турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 244 ва 246-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 30 680 сўм.**

4. Нукус шаҳри, 412-квартал ҳудудида (3-ҳудуд) жойлашган турар жой қуриш учун ажратилган, юзаси 400 кв.метр бўлган 186-сонли ер майдони. **Бошланғич баҳоси — 30 680 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 2 февраль куни соат 12:00да Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117Б- уй, "Qoraqalpoq mulk markazi" МЧЖ мажлислар залида ўтказилади.**

2012 йил 2 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 17 февраль ва 5, 20 март кунлари соат 12:00да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, "Туран банк" Нукус филиали МФО 00585, СТИР 207122519.

**Манзил:** Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-"Б"уй.

**Телефон:** (8-361) 222-84-44.

**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 26 декабрдаги 93/6п-сонли буйруғига асосан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:**

1. Кегейли тумани, "Актуба" ОФЙ ҳудуди, 9-кварталдан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 1 дан 28 гача бўлган ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 15 680 сўм.**

2. Кегейли тумани, "Актуба" ОФЙ ҳудуди, 10-кварталдан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 1 дан 26 гача бўлган ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 15 680 сўм.**

3. Кегейли тумани, "Актуба" ОФЙ ҳудуди, 11-кварталдан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 1 дан 26 гача бўлган ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 15 680 сўм.**

4. Кегейли тумани, "Актуба" ОФЙ ҳудуди, 12-кварталдан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 1 дан 23 гача бўлган ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 15 680 сўм.**

5. Кегейли тумани, "Актуба" ОФЙ ҳудуди, 13-кварталдан турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 400 кв.метр бўлган 1 дан 8 гача бўлган ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 15 680 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 6 февраль куни соат 12:00да Кегейли туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.**

2012 йил 6 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 21 февраль, 7, 22 март, 6, 23 апрель ва 8, 23 май кунлари соат 12:00да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, "Туран банк" Нукус филиали МФО 00585, СТИР 207122519.

**Манзил:** Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-"Б"уй.

**Телефон:** (8-361) 222-84-44.

**Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 26 декабрь куни 94/6п-сонли буйруғига асосан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари қўйилмоқда:**

1. Шуманой тумани, 1 МФЙ ҳудуди, А.Темур кўчаси жойлашган, 1 В-квартал-дан (4-ҳудуд) турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган 2, 3, 4, 10, 19, 20, 22, 25 ва 26-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 14 400 сўм.**

2. Шуманой тумани, "Ак жап" ОФЙ ҳудуди, Даулетбай аҳоли пункти, I-массивидан (4-ҳудуд) турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган 6А, 6Б, 7А, 7Б, 10А, 10Б, 11А ва, 11Б-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 14 400 сўм.**

3. Шуманой тумани, "Ак жап" ОФЙ ҳудуди, Даулетбай аҳоли пункти, II-массивидан (4-ҳудуд) турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган 7А, 7Б, 8А, 8Б, 9А, 9Б, 10А, 10Б, 11А, 11Б, 12А, 12Б, 14А, 14Б, 15А ва 15Б-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 14 400 сўм.**

4. Шуманой тумани, "Ак жап" ОФЙ ҳудуди, Даулетбай аҳоли пункти, III-массивидан (4-ҳудуд) турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган 9А, 9Б, 10А ва 10Б-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 14 400 сўм.**

5. Шуманой тумани, "Ак жап" ОФЙ ҳудуди, Даулетбай аҳоли пункти, IV-массивидан (4-ҳудуд) турар жой қуриш учун ажратилган, ҳар бирининг юзаси 600 кв.метр бўлган 2А, 2Б, 3А, 3Б, 4А, 4Б, 5А, 5Б, 6А, 6Б, 15А, 15Б, 16А, 16В, 17А, 17Б, 18А, 18Б, 19А, 19Б, 20А ва 20Б-сонли ер майдонлари. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 14 400 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 8 февраль куни соат 12:00 да Шуманой туман ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилади.**

2012 йил 8 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 23 февраль, 9, 26 март, 10, 25 апрель ва 10, 25 май кунлари соат 12:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, "Туран банк" Нукус филиали, МФО 00585, СТИР 207122519.

**Манзил:** Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117-"Б" уй.

**Телефон:** (8-361) 222-84-44.

**Лицензия: RR 0001.**

# Об определении минимальных ставок арендной платы за пользование недвижимым государственным имуществом в 2012 году

Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 апреля 2009 года № 102 "О мерах по совершенствованию порядка передачи в аренду государственного имущества" предусмотрено, что минимальные ставки арендной платы за пользование недвижимым государственным имуществом, с определением соответствующих коэффициентов ежегодно до 31 декабря утверждаются Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г.Ташкент на основе расчётов минимальных ставок аренды, представленных Госкомимуществом и согласованных с Министерством финансов и Министерством экономики Республики Узбекистан.

Пунктом 9 Положения "О порядке предоставления в аренду государственного имущества", утвержденного вышеназванным постановлением Кабинета Министров определен порядок расчета арендной платы (опорная ставка арендной платы) по зданиям и сооружениям определяемая следующим образом:

Ос = Мс * Кз * (Кс + Кт + Ку).

Минимальные ставки арендной платы за пользование недвижимым государственным имуществом за 1 кв.м. на 2012 год (Мс), определяются согласно приложению.

При этом, коэффициент территориальных зон (Кз), коэффициент по виду строительства (Кс), коэффициент использования прилегающих территорий (Кт), и коэффициент удобства при использовании в коммерческих целях (Ку) определяются Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г.Ташкента.

## Минимальные ставки арендной платы за пользование недвижимым государственным имуществом за 1 кв. м. на 2012 год по г. Ташкенту

| № | Коды видов деятельности | Вид деятельности осуществляемый на арендуемой площади | Годовая минимальная ставка на 1 кв.м/сум на 2012 год |
|---|---|---|---|
| | | **Промышленность** | |
| 1 | 13 100 | Химическая промышленность | 2 200 |
| 2 | 13 300 | Нефтехимическая промышленность | 2 200 |
| 3 | 14 100 | Машиностроение | 2 200 |
| 4 | 14 200 | Станкостроительная и инструментальная промышленность | 2 200 |
| 5 | 14 300 | Промышленность средств вычислительной техники | 2 200 |
| 6 | 14 400 | Тракторное и сельскохозяйственное машиностроение | 1 600 |
| 7 | 14 500 | Строительное, дорожное и коммунальное машиностроение | 1 600 |
| 8 | 14 600 | Машиностроение для легкой и пищевой промышленности и бытовых приборов | 1 600 |
| 9 | 14 710 | Производство санитарно-технического и газового оборудования и изделий | 2 200 |
| 10 | 14 800 | Промышленность металлических конструкций и изделий | 2 200 |
| 11 | 14 900 | Ремонт машин и оборудования | 2 200 |
| 12 | 14 780 | Прочие отрасли машиностроения | 2 200 |
| | | **Лесная, деревообрабатывающая и целлюлозно-бумажная промышленность** | |
| 13 | 15 100 | Лесозаготовительная промышленность | 2 200 |
| 14 | 15 200 | Деревообрабатывающая промышленность | 2 200 |
| 15 | 15 300 | Целлюлозно-бумажная промышленность | 2 200 |
| 16 | 16 100 | Промышленность строительных материалов | 2 200 |
| | | **Легкая промышленность** | |
| 17 | 17 100 | Текстильная промышленность | 2 200 |
| 18 | 17 200 | Швейная промышленность | 2 200 |
| 19 | 17 300 | Кожевенная, меховая и обувная промышленность | 2 200 |
| 20 | 17 900 | Прочие производства легкой промышленности | 2 200 |
| | | **Пищевая промышленность** | |
| 21 | 18 100 | Пищевкусовая промышленность (без рыбной, мясной, маслосыродельной и молочной промышленности) | 2 200 |
| 22 | 18 200 | Мясная и молочная промышленность | 2 200 |
| 23 | 18 300 | Рыбная промышленность | 2 200 |
| 24 | 19 210 | Мукомольно-крупяная промышленность | 2 200 |
| 25 | 19 220 | Комбикормовая промышленность | 1 600 |
| 26 | 19 700 | Другие отрасли промышленности | 2 200 |
| | | **Другие отрасли промышленности** | |
| 27 | 19 300 | Медицинская промышленность | 2 200 |
| 28 | 19 400 | Полиграфическая промышленность | 7 000 |
| 29 | 19 740 | Химчистка, крашение, стирка и обработка белья и других изделий из тканей | 2 200 |
| | | **Сельское хозяйство** | |
| 30 | 21 100 | Растениеводство (в т.ч. тепличное хозяйство) 1 га | 1 400 000 |
| 31 | 21 200 | Животноводство | 1 600 |
| 32 | 21 300 | Рыбоводство | 1 600 |
| 33 | 22 200 | Ветеринарное обслуживание | 2 200 |
| | | **Транспорт и связь** | |
| 34 | 51 111 | Наземный железнодорожный транспорт общего пользования | 5 500 |
| 35 | 51 121 | Транспортная инфраструктура автопарк, таксопарк, автостоянки, гаражи, автомойки) | 5 500 |
| 36 | 52 100 | Почтовая связь | 4 500 |
| 37 | 52 200 | Курьерская связь | 5 500 |
| 38 | 52 300 | Электро, радио, сотовая и пейджинговая связи (по периметру растяжек, включая сооружения) | 15 000 |
| | | **Строительство** | |
| 39 | 60 000 | Строительство | 4 000 |
| 40 | 66 000 | Проектные, проектно - изыскательские организации | 4 000 |
| | | **Торговля и общественное питание** | |
| 41 | 71 100 | Оптовая торговля | 8 500 |
| 42 | 71 200 | Розничная торговля | 13 000 |
| 43 | 71 300 | Общественное питание | 8 500 |
| 44 | 71 200 | Книжные магазины | 1 000 |
| 45 | 71 400 | Сдача в прокат предметов культурно-бытового назначения и хозяйственного обихода | 8 500 |
| 46 | 71 500 | Посреднические услуги при купле-продаже товаров народного потребления | 13 000 |
| 47 | 80 000 | Материально техническое снабжение и сбыт | 8 500 |
| 48 | 82 000 | Информационно- вычислительное обслуживание | 9 500 |
| 49 | 82 100 | Представление услуг по Интернету и компьютерной сети | 9 500 |
| 50 | 83 000 | Операции с недвижимым имуществом | 9 500 |
| 51 | 84 300 | Реклама, представительские услуги | 8 500 |
| 52 | 84 400 | Аудиторская деятельность | 8 500 |
| 53 | 84 500 | Маркетинговые исследования, консультации по вопросам коммерческой деятельности, финансов и управления | 8 500 |
| 54 | 87 100 | Редакции и издательства | 4 500 |
| 55 | 87 300 | Заготконторы по сбору металлолома и утиля | 4 500 |
| 56 | 90 100 | Жилищно-коммунальное хозяйство (объекты ТСЖ) | 4 500 |
| 57 | 90 220 | Гостиничное хозяйство | 10 000 |
| 58 | 90 300 | Непроизводственные виды бытового обслуживания населения | 5 500 |
| 59 | 90 300 | Парикмахерские, фотосалоны, ателье мод, ремонт обуви | 7 000 |
| 60 | 90 300 | Ломбарды | 9 500 |
| 61 | 90 300 | Бани | 15 000 |
| 62 | | Сауны | 30 000 |
| | | **Здравоохранение, физическая культура и социальное обеспечение** | |
| 63 | 91 510 | Здравоохранение | 7 000 |
| 64 | 91 600 | Отдых и туризм | 7 000 |
| 65 | 91 611 | Культурно развлекательные центры (бильярд, игровые автоматы, дискотеки и т.д.) | 9 000 |
| 66 | 91 700 | Физическая культура и спорт | 3 000 |
| 67 | 71 212 | Аптечные учреждения*, оптика и магазины по продаже медицинского оборудования | 7 000 |
| | | **Образование** | |
| 68 | 92 100 | Подготовка кадров с высшим и средним специальным образованием (включая учебные курсы) | 6 000 |
| 69 | 92 200 | Подготовка и повышение квалификации рабочих и других работников | 6 000 |
| 70 | 92 310 | Общеобразовательные детские школы (для негосударственных образовательных учреждений) | 2 500 |
| 71 | | Организация общественного питания в обучающих учреждениях (включая кухню и вспомогательные помещения) | 4 000 |
| 72 | 92 400 | Дошкольное воспитание (для негосударственных образовательных учреждений) | 2 500 |
| 73 | 93 000 | Культура и искусство | 13 000 |
| 74 | 93 132 | Выставки | 7 000 |
| 75 | 93 160 | Парки культуры и отдыха | 6 000 |
| 76 | 93 170 | Ботанические сады и зоопарки | 6 000 |
| 77 | 93 620 | Киностудии, студии звукозаписи | 22 000 |
| 78 | 95 000 | Наука и научное обслуживание | 4 000 |
| | | **Финансово-кредитная деятельность** | |
| 79 | 96 000 | Финансы, кредит (кроме страховой и аудиторской деятельности), пенсионное обеспечение | 8 500 |
| 80 | 96 100 | Банковская деятельность | 13 000 |
| | | **Прочие виды деятельности** | |
| 81 | 96 200 | Страхование | 8 500 |
| 82 | 97 800 | Судебные и юридические учреждения | 5 500 |
| 83 | 97 820 | Коллегии и юридические консультации адвокатов | 5 500 |
| 84 | 98 000 | Общественные объединения | 2 200 |
| 85 | 80 200 | Складские помещения | 8 500 |
| 86 | | Сдача имущества в аренду под офис для гос. предприятий | 4 000 |
| 87 | | Сдача имущества в аренду под офис для част. организаций | 15 000 |
| 88 | | Автозаправки | 8 500 |
| 89 | | Ремонт и техническое обслуживание легковых автомобилей и других транспортных средств | 8 500 |
| 90 | | Лаборатории по исследованию свойств почв и грунтов | 4 000 |
| 91 | | Изготовление хлебо-булочных изделий | 8 500 |

* В соответствии с пунктом 11 Протокола совещания Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30.06.2009г. № 07/10-41, для аптечных учреждений всех форм собственности функционирующих при СВП применяется нулевая минимальная ставка арендной платы за пользование недвижимым государственным имуществом.

** В соответствии с поручением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10.11.2010г. №02/12-57, минимальные ставки арендной платы за пользование недвижимым государственным имуществом в закрытых военных городках и отдаленных горнизонах для структурных подразделений управления торговли Министерства обороны Республики Узбекистан снижаются на 50%.




# Қувончингиз бир лаҳзада саробга айланмасин...

***Юртимизда ҳар бир байрам ўзгача шукуҳ ва хурсандчилик билан нишонланади. Айниқса, яқинлашиб келаётган янги йил байрамини барчамиз кўтаринки кайфиятда кутиб олиш ниятидамиз.***

**Иброҳим ШОЮСУПОВ,**
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти катта инспектори

Бироқ, шундай одамлар ҳам борки, улар бу байрамни ранг-баранг қоғозларга ўралган пиротехника воситалари билан қарши олишни хуш кўришади. Аммо ана шу рангли қоғозлар ичида инсон соғлиғига жиддий хавф солувчи портловчи воситалар борлигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Бу эса пиротехника воситалари савдоси билан ноқонуний шуғулланиб, мўмай даромад топиш илинжида бўлган айрим шахсларга қўл келади.

Айтиш керакки, пиротехника воситалари инсон соғлиғига жиддий хавф туғдириши билан бирга, ёнғин хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермайди, бу эса ўз навбатида, турли хил кўнгилсиз, баъзан аянчли ва фожиали оқибатлар билан бирга кучли ёнғин хавфини ҳам келтириб чиқаради.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва пиротехника воситаларининг ноқонуний савдосига барҳам бериш ҳамда пиротехника буюмлари муомаласини тартибга солиш мақсадида қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Уларга кўра, пиротехника воситалари муомаласи билан ноқонуний шуғулланаётган шахсларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз самарасини бераётганлиги натижасида ушбу воситаларнинг ноқонуний савдоси кескин камайган бўлса-да, тўлиқ барҳам топди, деб айта олмаймиз.

Баъзан орамизда ўз нафсини ўйлаб, ўзгалар соғлиғига зарар етказаётган шахслар-ку, майли учраб турибди, бироқ улардан пиротехника воситаларини харид қилаётган, бу билан ўзи ва яқинларининг ҳаётига хавф туғдираётган фуқароларимизнинг ҳаракатларига қандай баҳо бериш мумкин. Ахир ҳаммамиз ҳам байрам кунларини шифохонада эмас, балки ўз яқинларимиз даврасида ўтказишни хоҳлаймиз-ку!



Мақсадимиз халқимизнинг янги йилни оиласи даврасида шоду-хуррамлик билан, аянчли вақеаларсиз кутиб олишидир. Бу борада СВОЖЖДЛҚК Департаменти органлари томонидан бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мисол учун, жорий йилнинг декабрь ойида Департаментнинг Қўқон шаҳар бўлими ходимлари томонидан МХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Қўқон шаҳри Қўқондий даҳасида истиқомат қилувчи Нодира Турғунова ўз хонадонида жуда кўп миқдордаги пиротехника воситаларини сотиш мақсадида сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ундан 40 млн. сўмлик воситалар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Юқоридаги каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бирга маҳалла-кўй, таълим-тарбия масканлари ҳамда ҳар бир ота-она ҳамжиҳатликда курашмоғи лозим.

Шу ўринда, фарзандларимиз соғлиғи ҳамда ёнғин хавфсизлигини ўйлаб, байрамни кўнгилсиз воқеаларсиз, файзли ўтказишда ҳар бир хонадон соҳибларини ҳушёрликка чақирамиз!

**Huquq**
yuridik gazeta

Muassis:
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:
***Jahongir MAKSUMOV***

Tahrir hay`ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*
Shavkat YODGOROV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ – tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Buyurtma j-3538. 48 616 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.